№1 (10) - 2015 ISSN 2181-032X

O’ZBEKISTON ARXEOLOGIYASI



АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
Y. G’ULOMOV NOMIDAGI ARXEOLOGIYA INSTITUTI

АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ ИМЕНИ Я. ГУЛЯМОВА

O’ZBEKISTON ARXEOLOGIYASI

АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА

№ 1 (10)
2015

Журналга 2010 йилда асос солинган

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти

МУНДАРИЖА

Мақолалар

Сайфуллаев Б.Қ., Саидов М.М., Ражабов А.Ю., Мирсаатова С.Т. Янгиободнинг қадимги тош даври 3
Холматов Н.Ў. Тепақул 4 неолит макони 11
Аннаев Т.Дж. Тоҳаристондан топилган терракота ҳайкалчада йилқибоқлар образи 29
Богомолов Г.И. Илк ўрта асрларда Чочнинг жониворларга топиниш удумлари 33
Пардаев М., Раҳмонов Ҳ., Пардаев Ш. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнгги маълумотлар 47
Искандерова А.Д. Қорақалпоқ Давлат ўлкашунослик музейи фондидаги меъморий нақши нигорлар ҳақида 65

Халқаро ҳамкорлик

Сверчков Л.М., Бороффка Н. Сўнгги бронза даври макони Мулали топилмалари 75

Ёш тадқиқотчи минбари

Кубаев С. Илк ўрта аср Суғд турар-жой қурилиш анъанаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар 89
Саидов М., Ортиқов У., Ирзаева М. Қўшрободда XIV-XV аср меъморий обидаси излари 97
Бузруков М.Ж. Хомуш авлодларининг мозори ҳақида 103

Танқид ва таҳлил

Матбобоев Б., Реутова М., Болиев Б. Абдуразаков А.А. Қадимги ва ўрта асрларда Марказий Осиёда шишасозлик тарихи (асосий босқичлари). Тошкент: Фан. 2012**.** 114

Ахборот

Фарғона водийсининг қадим ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммолари 118

Юбилярларимиз

М.М. Хўжаназаровнинг 60 йиллигига 121
Тўхташ Аннаев - Сурхон археологиясининг жонкуяр тадқиқотчиси 125
Амридин Эргашович Бердимуродов. Фанга бахшида умр 127

Хотира

Вера Андреевна Булатова 130

ОГЛАВЛЕНИЕ

Статьи

Сайфуллаев Б.К., Саидов М.М., Ражабов А.Ю., Мирсаатова С.Т. Древнекаменный век Янгиабада 3
Холматов Н.У. Неолитическая стоянка Тепакул 4 11
Аннаев Т.Дж. Образ коневода и приучителя коней на терракотовой плакетке из Тохаристана 29
Богомолов Г.И. Зооморфные культы раннесредневекового Ча-ча 33
Пардаев М., Рахманов Х, Пардаев Ш. Новые материалы к археологической карте северо-западной Уструшаны 41
Искандерова А.Д. Архитектурные изразцы из фонда Каракалпакского государственного Краеведческого музея 65

Международное сотрудничество

Сверчков Л.М., Бороффка Н. Материалы поселения эпохи поздней бронзы Молали 75

Трибуна молодого исследователя

Кубаев С. Некоторые суждения об строительной традиции жилищ раннесредневекового Согда 89
Саидов М., Ортиқов У., Ирзаева М. Следы архитектурного сооружения XIV-XV века в Кошрабаде 97
Бузруков М.Ж. О мазаре потомков Хамуша 103
Нуритдинова Н.С. О семейном устройстве кочевых народов Туркестанского края в конце XIX–начале XX вв. 110

Критика и библиография

Матбобоев Б., Реутова М., Болиев Б. Абдуразаков А.А. История стеклоделия Центральной Азии в древности и средневековье (основные этапы). Ташкент: Фан. 2012**.** 114

Хроника

Проблемы изучения древней и средневековой истории Ферганской долины 118

Наши юбиляры

М.М. Хўжаназаровнинг 60 йиллигига 121
Тухташ Аннаев преданный ученый археологии Сурхана 125
К 60 летию Амридина Эргашовича Бердимурадова. Жизнь посвященная науке 127

Памяти ученого

Вера Андреевна Булатова 130

Главный редактор
Темур Ширинович Ширинов

Заместитель главного редактора
Амридин Эргашевич Бердимурадов

Ответственный секретарь
Мухтор Хасанович Пардаев

Редакционная коллегия:
К. Абдуллаев
А.А. Анарбаев
Т.Дж. Аннаев
А.А. Аскаров
А.Х. Атаходжаев
Г.И. Богомолов
Ю.Ф. Буряков
Ф. Грене (Франция)
А.П. Деревянко (Россия)
М.Ш. Кдырниязов
П. Лериш (Франция)
Б.Х. Матбабаев
Д.К. Мирзаахмедов
Ш.Р. Пидаев
А.А. Раимкулов
М.А. Реутова
Э.В. Ртveладзе
В.Д. Рузанов
Б.К. Сайфуллаев
Р.Х. Сулейманов
С.С. Суюнов
У. Такао (Япония)
Г. Ходжаниязов
М.М. Хужаназаров

На обложке:

Двуручный сосуд со стилизованным изображением из поселения Чак-Чам Ташкентской области

Адрес редакции:
140151, Самарканд,
ул. акад.В. Абдуллаева, 3
Телефон: (8-366) 232-15-13

Журнал зарегистрирован в Агентстве печати и информации Республики Узбекистан
Удостоверение № 0592

Сдано в набор 20.12.2014
Подписано в печать 06.01.2015
Формат 60x84 $^{1}/_{8}$
Усл.печ.л. 18,50
Тираж 300 экз. Заказ 359

Отпечатано в Институте археологии АН РУз
140151, Самарканд,
ул. акад. В. Абдуллаева, 3

МАҚОЛАЛАР

СТАТЬИ ARTICLES

УДК: 902.6 (575.111)

ДРЕВНЕКАМЕННЫЙ ВЕК ЯНГИАБАДА

© 2014. Б.К. Сайфуллаев, М.М. Саидов, А.Ю. Ражабов, С.Т. Мирсоатова

Институт археологии Академии наук Республики Узбекистан
Ферганский Государственный университет

Ключевые слова: *Янгиабад, пункт, отщеп, нуклеус, бифас, зубчатое орудие, Дукентсай, Каттасай, мастерская, местонахождение, яшма, поздний палеолит.*

Мақолада Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрига қарашли Янгиобод шаҳарчасида 2014 йилнинг баҳорида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган палеолит даврига оид янги ёдгорликлар хусусида сўз боради. Бу ердан палеолит даврига оид 8 та топилмажой аниқланган ва улардан 3 тасининг маданий қатламлари қисман сақланиб қолган ва ўрганиш истиқболларига эга. Ушбу топилмажойлар сўнгги палеолит давринининг маконлари ва устахоналари эканлиги аниқланган. Янги қайд этилган мазкур ёдгорликлар Ўзбекистоннинг палеолит даври харитасини тулдиради ва ибтидоий давр тарихини янада бойитади.

THE PALEOLITHIC OF YANGIABAD
B.K. Sayfullaev, M.M. Saidov, A.Y. Radjabov, S.T. Mirsoatova
The article is devoted to results of archaeological researches in small town of Yangiabad located in Angren of Tashkent area in spring of 2014. Here authors find out 8 Paleolithic points from which 3 have partially kept cultural layer and have prospects for further researches. These sites define the parking and masterful epoch of the late paleolithie. These sites fill the Paleolithic map and enrich the primitive history of Uzbekistan.

В апреле месяце 2014 года археологический отряд Института археологии АН РУз произвел разведочные работы в ущелье на территории, поселка Янгиабад в Ташкентской области.

В результате проделанных работ в окрестностях поселка Янгиабад нами обнаружены 8 археологических объектов, представляющие материалы позднепалеолитической эпохи (рис. 1). Эти местонахождения сконцентрированы в 4 пунктах урановых месторождений. Среди этих местонахождений в перспективе обнадеживают три объекта: пункты 1, 5 и 8. Ниже приводится типология собранных археологических материалов из названных пунктов.

Пункт 1. Этот пункт находится на северной окраине поселка Янгиабад. Поэтому его пронумеровали цифрой 1 (рис. 2). По порядку это второе урановое месторождение в Янгиабаде. Местонахождение находится на восточном берегу Дукентсая, выше над второй разрушенной дорогой террасы реки. Его координаты: 01-N41 09.082 E70 05.751 и высота над уровнем моря 1441 м.

Здесь сверху горы в настоящее время протекает вниз ручеек родниковой воды и в месте, где вода смыкается с дорогой, с правой стороны имеется холм. Проведенные разведки на этом холме дали желаемые результаты. Здесь была собрана коллекция каменных изделий, эпохи позднего палеолита. Некоторые из этих изделий находились частично под грунтом. Каменные изделия обработаны из кремнистого известняка среднего качества, выходы которых расположены рядом. Открытие в ре-

зультате строительства дороги выхода кремнистого известняка растянуты на 30 м к югу от местонахождения. Далее они исчезают. Выяснилось, что мастера в эпоху палеолита изготавливали найденные нами каменные изделия именно из этих пород камней.

Среди найденных изделий из пункта 1 имеются нуклеусы для снятия ножевидных пластин, фрагменты соответствующих к ним пластин и один микробифас. Один из нуклеусов имеет размеры 78x96x56 мм. Снимались с него ножевидные пластины. Нуклеус имеет две противоположные ударные площадки. Обе ударные площадки широкие и подправленные после расщепления. Подобные ядрища характеризуют позднепалеолитическую эпоху и такие крупные экземпляры чаще встречаются в камнеобрабатывающих мастерских каменного века (рис. 3). Следующее изделие коллекции является пластинчатым отщепом размерами 45x31x15 мм. Он изготовлен из того же материала, что и предыдущее изделие. Ударная площадка скола фасетированная и сильно скошена к тылу. На дорсале отщепа сохранились следы субпараллельно-встречных снятий. На медиале правого латерала отщепа имеются ординарные ретуши, направленные на дорсаль (рис. 4, 1). Очередное изделие из этой коллекции является медиальным фрагментом пластины размерами 32x43x13 мм. Он также изготовлен из местного кремнистого известняка. На дорсале фрагмента сохранились следы субпараллельных пластинчатых снятий (рис. 4, 2). Четвертый предмет коллекции первого пункта является микробифасом, также из кремнистого известняка размерами 68x50x20 мм. Подобные находки являются достаточно уникальными для палеолита Узбекистана. Он имеет сердцевидную форму и видимо, оформлен из остаточного нуклеуса. Микробифас обработан с помощью бифасиальных снятий, один из его краев толстый, а второй - режущий. Кончик изделия выделен с помощью двусторонних плоских снятий (рис. 4, 3).

По назначению пункт 1 предварительно можно отнести к мастерским, так как здесь имеются крупные нуклеусы и соответствующие к ним сколы, большое количество обломков, а главное, он находится рядом с выходом используемого сырья.

В качестве аналогии к этим материалам можно привести индустрии верхних слоев Кульбулака в Ангрене и кремнеобрабатывающую мастерскую Капчигай в Ферганской долине. В упомянутых стоянках эпохи позднего палеолита также обнаружены по два экземпляра микробифасов (Касымов, 1972, с. 133. Таблица 1. Рис. 1, 2; Сайфуллаев и др., 2009, с. 29-34).

Памятник частично разрушен при строительстве дороги, но налицо перспективы его дальнейшего исследования.

Пункт 5. Он находится на левом берегу Дукентсая. Его координаты: 05-N41 06.179 E70 04.815 и высота над уровнем моря 1289 м. Из этого пункта нами собраны 6 каменных изделий, предварительно датированные нами поздним палеолитом. Среди собранных материалов имеются нуклеусы, отщепы и орудия. Все они изготовлены из яшмы. Один из нуклеусов является одноплощадочным, размерами 50x85x47 мм. Ударная площадка ядрища широкая и гладкая. Снимались с него отщепы удлиненных пропорций униполярно-субпараллельным образом (рис. 5, 1). Второй нуклеус этой коллекции также является одноплощадочным, размерами 40x55x50 мм. Он имеет дефлированную, слегка скошенную к тылу и гладкую ударную площадку. Снимались с него отщепы удлиненных пропорций униполярно-субпараллельным образом. Тыльная сторона ядрища также дефлированная (рис. 5, 2). Третий нуклеус коллекции является торцовым, предназначенный для снятия




Рис. 1. Карта распространения палеолитических местонахождений в Янгиабаде (Ташкентская область)

пластинчатых отщепов мелких размеров. Расщепления производились униполярно-субпараллельным образом со стороны проксимала удлиненного отщепа-заготовки. Размеры изделия 21x32x55 мм (рис. 6, 1). Следующим изделием данной коллекции



Рис. 2. Янгиабад. Пункт №1

является двойное зубчатое орудие размерами 68x52x23 мм. Заготовкой послужил отщеп с намеренно усеченной ударной площадкой. Негативы сколов на дорсале отщепа униполярно-субпараллельные. Зубчатое лезвие на левом латерале оформлено




Рис.3. Янгиабад. Пункт №1. Призматический нуклеус




Рис. 4. Янгиабад. Пункт №1. 1-пластинчатый отщеп, 2-фрагмент пластины, 3-микробифас




Рис. 5. Янгиабад. Пункт №5. 1, 2 - одноплощадочные нуклеусы

со стороны дорсала, а с правого латерала - со стороны вентрала. Формы обоих рабочих краев зигзагообразные (рис. 6, 2).

Этот пункт также выглядит перспективным для дальнейших исследований, так как здесь сохранились непотревоженные лессовые отложения. Предварительно материалы данного пункта можно отнести к эпохе позднего палеолита.




Рис. 6. Янгиабад. Пункт №5. 1-торцовый нуклеус, 2-зубчатое орудие



Рис. 7. Янгиабад. Пункт №8. 1-клювовидное орудие, 2-скребло, 3-технический скол

Пункт №8. Это местонахождение находится на левом берегу Дукентсая. Его координаты: 08-N41 05.417 E70 04.839 и высота над уровнем моря 1248 м. Здесь нами собраны 6 каменных изделий, представляющие эпоху среднего палеолита. Каменные изделия коллекции 8 пункта представлены одним клювовидным орудием, скребком и скреблом. Клювовидное орудие оформлено на нуклевидном обломке из яшмы темно-коричневого цвета размерами 65х70 х33 мм. Клюв выделен с помощью билатеральных снятий и ретушей на дистале изделия (рис. 7, 1). Второе орудие является скреблом на отщепе из яшмы размерами 77х56х21 мм. Отщеп слегка дефлированный, но скребковое




Рис. 8. Янгиабад. Пункт №7. Угловой скребок




Рис. 9. Янгиабад. Пункт № 8. 1, 2—фрагменты нуклеусов

лезвие на правом латерале хорошо сохранилось. Рабочий край оформлен полукрутыми плоскими снятиями. Форма рабочего края вогнутая. Ударная площадка отщепа намеренно усечена несколькими крутыми снятиями. На дорсале отщепа имеются следы униполярных снятий. С левого латерала отщепа в вентральной части был нанесен резцовый скол. Видимо, это было комбинированным орудием (рис. 7, 2). И наконец, последнее орудие этой коллекции является угловым скребком на крупном отщепе из светло-коричневой яшмы размерами 110х73 х25 мм. Ударная площадка отщепа гладкая и сильно скошенная к тылу. На дорсале имеются следы субпараллельно-продольных снятий. Скребковое лезвие оформлено на правом дистальном углу дорсальными полукрутыми снятиями. Форма рабочего края выпуклая (рис. 8).

В коллекции восьмого пункта наряду с целыми нуклеусами представлены и их фрагменты. Один из них изготовлен из яшмы светло- коричневого цвета и является верхним фрагментом одноплощадочного нуклеуса, размерами 44х57х30. Ударная площадка ядрища гладкая и снимались с него пластинчатые сколы в продольно-субпараллельном направлении. Тыльная сторона нуклеуса дефлированная (рис. 9, 1). Второй фрагмент является фланговой частью одноплощадочного нуклеуса. В нем сохранились подправленная ударная площадка и верхняя часть униполярно-субпараллельно направленных негативов сколов. Возможно, он был фланговым техническим сколом с нуклеуса, но из-за сильной дефлированности тыльной стороны изделия об этом трудно утверждать. Снимались с него пластины. Фрагмент изготовлен также из яшмы светло-коричневого цвета размерами 68х70х78 мм (рис. 9, 2).

В коллекции одним экземпляром представлен технический скол от обновления ударной площадки нуклеуса из яшмы размерами 60х35х25 мм. Негативы сколов на дорсале отщепа перпендикулярные, т.е. сохраняется часть ударной площадки и следы продольно-субпараллельных снятий нуклеуса, с которого он был снят. Ударная площадка отщепа двухфасеточная и сильно скошенная к тылу (рис. 7, 3).

Материалы 8 пункта можно датировать эпохой среднего палеолита, и он также является перспективным для дальнейшего исследования.

Таким образом, террасы Дукентсая были густонаселенными в эпоху палеолита. Третья терраса реки обживалась в эпоху среднего палеолита, а вторая - в период позднего палеолита. Среди перспективных местонахождений для дальнейших исследований пункт №1 является мастерской по добыче сырья и первичной обработки. Пункты № 5 и 8, видимо, являются разрушенными стоянками.

Использованная литература:

Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент, 1972.

Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О., Курбонбоев И.М. О позднем палеолите Узбекистана (по материалам новых технико-типологических исследований индустрии верхних (I-III) слоев Кульбулака) // ИМКУ. Вып.35. Самарканд, 2009.

УДК: 902.6 (575.1)

ТЕПАҚУЛ 4 НЕОЛИТ МАКОНИ ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ ХУСУСИДА

© Н.У. Холматов

Самарқанд Давлат Университети

Калит сўзлар: *Ўрта Зарафшон, неолит (янги тош даври), Сазоғон маданияти, тош индустрия, стратиграфия, хронология, тош қурилмалар, культурогенез, генетик алоқалар, генесологик илдизлар.*

Статья посвящена новым материалам стоянки сазаганской культуры. В ней рассмотрена материальная культура неолитического памятника Тепакул 4 (Средний Зарафшан). Освящены специфические особенности каменной индустрии памятника, хронологии и его место в системе сазаганской культуры.


ABOUT THE RESULTS OF STUDIES OT NEOLIT SITE OF TEPAKUL 4
N.U. Holmatov
The article is devoted to discovering the material culture of Neolithic monument Tepakul 4, (Middle Zarafshan). It explores the specific peculiarities of stone industry of the monument, chronology and the place in the system of Sazagan culture.

Зарафшон воҳаси кишилик тарихи тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганишда ўзига хос истиқболли ўлка ҳисобланади. Буни Республикамиз мустақиллиги йилларида неолит жамоалари моддий маданияти тадқиқотида қўлга киритилган натижалардан ҳам билишимиз мумкин. Хусусан, Қуйи Зарафшон воҳасида Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари аъзолари Оёқагитма ёдгорлигини тадқиқ этишди (Szymczak, Khudzhanazarov, 2006; Брунет, Хужаназаров, Хашимов, 2012, 118-125-б). СамДУ археологик экспедицияси эса Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри Сазоғон неолит ёдгорликлари тадқиқотини давом эттирди (Тепақул 3) ҳамда қатор янги ёдгорликлар (Тепақул 4, Лолаб, Қоракамар, Очилғор) кашф этишга эришди (Холматов, 2006, 24-39-б.; 2010, 37-39-б.; 2012, 83-105 б.; 2012, 17-20-б.) Ушбу тадқиқотлар натижасида воҳа мезо-неолит даври жамоалари моддий-маданияти ўзига хос хусусиятлари, жамоалар турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, хўжалик машғулотлари, маънавий маданияти, ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқалари, маданиятлар генесологик илдизлари ва уларнинг автохтонлиги ҳақида маълумотлар берувчи муҳим археологик ашёлар қўлга киритишга эришилди. Юқорида зикр этилганидек, янги тадқиқ этилган ёдгорликлар жумласига Тепақул 4 неолит макони ҳам киради (1-расм). Тепақул 4 ёдгорлиги тадқиқоти натижалари қисман чоп этилган (Джуракулов, Холматов, 2000, 4-10-б; Джуракулов, Холматов, 2001, 72-79-б.; Джуракулов, Холматов, 2002, 41-45-б.; 2002а. 171-175-б., 2002-б, 55-59-б.; Джуракулов, Холматов, 2003; Холматов, 2004, 31-34-б.; Холматов, 2006, 24-33 б.). Лекин, ёдгорликнинг моддий маданияти, тош индустрияси ва уларнингўзига хос хусусиятлари, тош қуролларининг қиёсий таҳлили, стратиграфияси, хронологияси, маданий қатламнинг таркибий тузилмалари ва элементлари борасидаги

маълумотлар умумлашган ҳолда ёритилмаган. Шу боис, қуйидаги сатрларда зикр этилган масалалар ёритилиши назарда тутилган.

Тепақул 4 макони 1995-2004 йиллар мобайнида СамДУ археологик экспедицияси томонидан тадқиқ этилган. Ёдгорлик Тепақул 3 маконидан Тепақулсой ўзани бўйлаб 300 метрлар чамаси юқорида қўшни сой ён бағрининг супасимон кўринишли майдон сатҳида жойлашган (Самарқанд вилояти, Нуробод тумани). Ер майдони ўлчами 60х130 метр бўлиб, унинг сатҳи сой томон нишаброқ кўринишга эга (2-расм). Тепақул 4 макони тадқиқоти жараёнида нафақат моддий маданият манбалари, балки ёдгорликнинг геологик ҳолати ва саналаниши, стратиграфияси, маданий қатлам таркибий тузилмалари ва элементлари борасида ҳам муҳим маълумотлар қўлга киритилган. Шу боис, дастлаб ушбу маълумотлар баёнига тўхталамиз.


Маълумки, Сазоғон маданияти ёдгорликлари Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағридан чиқувчи йирик сойларнинг (Эгриқулча, Тепақул, Оҳалик ва ҳ.к) ён қирғоқларидаги супасимон майдонлар (сой ён қирғоқида сув сатҳидан то юқоригача 5 тагача супасимон майдонлар борлиги аниқланган) сатҳларида тадқиқ этилган. Бу жойлар геологик ва геоморфологик жиҳатдан С.А. Несмеянов, Э.Д. Мамедов, М.Д. Джуракуловлар томонидан ўрганилган (Джуракулов, Мамедов, 1985, 4-27-б.; Джуракулов, Мамедов, 1986; Джуракулов ва бошқ., 1993). Хусусан, Э.Д. Мамедов Тепақул 4 макони жойлашган Тепақулсойнинг 3-супасимон майдонининг геологик саналанишини юқори плейстоценнинг охири ва голоцен даври билан белгилаган (Джуракулов, Мамедов, 1996, 94-95-б.). Бу супасимон майдонлар қуёшга қараган бўлиб, созлов тупроқли қатламга эга. Сазоғон маданияти ёдгорликлари жойланиши ҳолатининг бундай қонунияти ҳақида олдинги тадқиқотларимизда маълумотлар келтирганмиз (Холматов, 2012, 3-б; 2012а, 83-84). Тепақул 4 макони тадқиқотида қизиқарли стратиграфик маълумотлар ҳам қўлга киритилган (юқоридан пастга томон) (3-расм): 1. Ер устки сатҳи қисми чимли қатлами (0,00-0,03 м қалинликда). 2. Чимли қатламнинг пастки қисми, майда қум заррачали, кулрангсимон қорамтир рангли тупроқли қатлам. Чегара чизиқлари нисбатан текис (қатламнинг қалинлиги 0,06-0,08 м). 3. Тўқ жигаррангли, қум заррачали тупроқли қатлам. Унда кичик ўлчамли қайроқтошлар, оқимтир рангли карбонатлар кам миқдорда бўлсада учрайди. Қатлам тупроғи нисбатан қаттиқроқ. Юқори ва пастки чегаралари бирмунча тўғри чизиқли ҳолатга эга (қатламнинг қалинлиги 0,4-0,5 м). 4. Оч сариқ, нисбатан оқимтир рангли тупроқли қатлам бўлиб, карбонатлар учрайди. Кичик ўлчамли, учли қирраларга эга бўлган тошларнинг кетма-кетлиги қатламнинг пастки чегараси яқинида кузатилади (қатламнинг қалинлиги 0,2-0,3 м). 5. Олдинги қатламга нисбатан оқимтир рангли, қум заррачали тупроқли қатлам бўлиб, унда карбонатлар бир зайлда зичроқ жойлашган. Қатламнинг пастки чегараси яқинида кичик ўлчамли, учли қирраларга эга бўлган тошлар кетма-кетлиги кўзга ташланади (қатламнинг қалинлиги 0,1-0,2 м). 6. Қизғиш жигар рангли, қум заррачалари миқдори кўпроқ бўлган тупроқли қатлам. Карбонатлашиш излари учрамайди (қатламнинг қалинлиги 0,4-0,5 м). 7. Қорамтир рангли тупроқли қатлам. Аҳён-аҳёнда кичик ўлчамли қайроқ тошлар учрайди. Чегаралари нисбатан текис кўринишга эга (қатламнинг қалинлиги 0,3-0,4 м). 8. Қорамтир рангли тупроқли қатлам давом этмоқда. Бу қатламда ингичка кўринишда қумли линзалар учрайди. Қатламнинг юқори чегараси нисбатан текис кўринишга эга (қатламнинг қалинлиги 0,1-0,2 м).



1-расм. Сазогон маданияти ёдгорликлари



2-расм. Тепакул 4. Умумий кўриниши



3-расм. Тепакул 4. Стратиграфия




4-расм. Тепакул 4. Тош курилма

Тепақул 4 макони маданий қатлам таркибий элементлари борасида қуйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин. Тадқиқот жараёнида Тепақул 4 макони маданий қатламининг Сазоғон маданиятининг бошқа ёдгорликлари (Сазоғон 1, 2, Жангал 1, Тепақул 3 ва ҳ.к) маданий қатламлари сингари устки қисми аралашиб кетганлиги аниқланди. Шу боис, Сазоғон неолит ёдгорликлари маданий қатлами

анъанавий тадқиқот методикасига таянилган ҳолда Тепақул 4 макони маданий қатлами ҳам 20 сантиметрли горизонтлар асосида 2,0-2,2 м қалинликгача ўрганилди. Шу асосда маконда шартли равишда 3 та маданий горизонт аниқланди: 1. Юқори қатлам (0,0-1,1 м) аралаш қатлам деб номланиб, бунда тош даври ҳамда кейинги тарихий тараққиёт босқичларига оид археологик манбалар биргаликда учрайди. 2. Оралиқ қатлам (1,1-1,3 м) - бунда тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларига оид манбалари учраса-да, лекин тош даврига тегишли ашёлар кўп. 3. Пастки тоза қатлам (1,4-2,2 м) - бу қатламдан фақат тош даврига оид археологик манбалар қўлга киритилган. Ёдгорлик пастки маданий горизонтидан моддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи баъзи таркибий элементлар, яъни ўчоқ қолдиқлари, юмалоқ қайроқтош ҳамда тошлардан иборат тош қурилмалари топилган. Тош қурилмалари алоҳида ҳолатда тош уюмларидан иборат бўлиб, тошлар ораси, остки ва устки қисмларида биронта кул қолдиғи, гулхан излари кузатилмади (4-расм). Бундай тош қурилмалари В.А. Ранов, Т.Г. Филимоновалар томонидан Тожикистон неолит ёдгорликларида (Кангурттут, Чармгарон, Люликутал) топилган. Бу қурилмалар қатламларидан кул қолдиқлари учратилмаса-да, лекин ёнидан диний эътиқод билан боғлиқ сиғиниш маросими ўтказилганлигини билдирувчи предмет ёки бирон ҳайвон тури қолдиғи топилган (Ранов, Филимонова, 2008, 24-27-б.). Тепақул 4 макони тош қурилмалари ёнидан зикр этилган нарса-буюмлар ҳам, кул қолдиқлари ҳам топилмади. Шу боис, бу тош қурилмаларини Сазоғон 2, Очилғор макони тош қурилмаларидан фарқли ўлароқ маълум диний эътиқод билан боғлиқ бўлганлиги ҳақида фикр билдиролмаймиз.

Энди Тепақул 4 макони қазишмалари жараёнида қўлга киритилган ашёлар асосида моддий маданиятни таснифлашга ҳаракат қиламиз. Ёдгорликда 156 м^2 майдон сатҳида маданий қатлам тадқиқ этилиб, 10 000 га яқин қизиқарли археологик ашёлар қўлга киритилган (5-расм). Археологик ашёлар тош буюмлар, сопол буюм парчалари, ҳайвон, парранда суяк қолдиқлари, чиғаноқ, тошдан ясалган зеб-зийнат каби предметлардан иборат. Шундан 3734 тасини бевосита тош буюмлари ташкил этади. Тош буюмлар чақмоқтош, чақмоқтошли-сланец, халцедон, кварц каби тоғ жинсларидан тайёрланган. Макон тош индустрияси учирин-



5-расм. Тепақул 4. Раскопнинг умумий режаси

дили-пайрақали бўлиб, пайрақали қисмида микропайрақалар салмоғи юқорироқ, шунингдек, қайроқтошли элементлар ҳам мавжуд (учириндилар - 2727 дона - 68,8% пайрақалар эса - 925 дона - 27,8%ни ташкил этади).

Тепақул 4 макони тадқиқоти жараёнида қўлга киритилган тош буюмларининг типологик таҳлили уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини берди (1-жадвал): 1. Ишлов берилмаган учириндилар, ишлаб чиқариш чиқиндилари (1903 дона). 2. Ишлов берилмаган пайрақалар (483 дона), шулардан микропайрақалар (273 дона). 3. Тош ўзаклари (48 дона) ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар (34 дона). 4. Учириндидан ясалган қуроллар (824 дона). 5. Пайрақадан ясалган қуроллар (442 дона), жумладан, микропайрақа қуроллар (136 дона). 6. Бошқа типологик типга оид қуроллар: қайроқ тош қуроллари (71 дона); плиткасимон қирғичлар (13 дона), ёрғучоқлар (9 дона); йирик ўлчамли ушатгич қуроллар бўлаклари (3 дона).

Тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар (34 дона). Булар тош ўзакларини тайёрлаш мақсадида тошни дастлабки йўнишлардан ҳосил бўлган буюмлар ҳисобланади. Тошларнинг сиртқи қайроқ қобиқларида чақмоқланиб учирилганлик изларини кузатиш мумкин. Бу предметларнинг шакллари, ён томонларидан қараганда ҳар тарафлама йўниш ҳаракатларидан қолган изларни кўрамиз ва шу асосда уларнинг кўпчилиги призмасимон, конуссимон шаклдаги тош ўзаклари ясалишга мўлжалланган буюмлар бўлишганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Тош ўзаклари. Тепақул 4 макони тадқиқоти жараёнида 48 дона тош ўзаклари қўлга киритилган. Уларнинг деярли барчаси пичоқсимон кўринишдаги пайрақалар ажратиб олишга мўлжалланган тош ўзаклари ҳисобланади.

Тош ўзакларини типологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин: 1. Призмасимон тош ўзаклари. 2. Конуссимон кўринишдаги тош ўзаклари. 3. Микро тош ўзаклари. 1. Призмасимон тош ўзаклари - 23 дона. Бу тош ўзаклари пичоқсимон кўринишдаги парақалар ажратиб олишга мўлжалланган бўлиб, ўз навбатида қуйидаги типларга бўлинади: а) Бир тарафлама ишлов берилган призмасимон тош ўзаклари - 18 дона. (6-расм, 32; 7-расм, 21, 22; 8-расм, 28). Кўпчилик тош ўзаклари уч қисмида қайта ишлов берилиши натижасида иш юзаси ҳосил қилиниб, турмушда турли функцияни бажарувчи қуролларга айлантирилган. Улар турмушда понасимон ёки предметни кесишга мўлжалланган кескич қуроллар сифатида ишлатилган бўлиши мумкин; б) Икки тарафлама ишлов берилган призмасимон тош ўзаклари - 5 дона. (6-расм, 31; 8-расм, 29, 30). Улар бир зарб майдонга эга бўлган, парақа ва микропарақа учириб олишига мўлжалланган тош ўзаклар бўлиб, зарб майдони сатҳи ўта қиялашган кўринишга эга. 2. Конус кўринишли тош ўзаклари - 16 дона. Мазкур тош ўзаклардан пайрақа ва микропайрақалар учириб олинган. 3.Микро тош ўзаклари - 9 дона (7-расм, 21). Ўз ўлчамларининг кичиклиги билан характерланади (1,3х0,7 см). Ўзаклар аксариятининг бир томонидан микропарақалар учириб олинган.

Ишлов берилмаган учириндилар, ишлаб чиқариш чиқиндилари—1903 дона. Бу типга кирувчи тош буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш чиқиндилари ташкил этади. Тош қуроллари ясаш учун мўлжалланган, лекин ён қирралари бўйича иккиламчи ишлов берилмаганлари нисбатан камроқ. Уларнинг ўлчами қуйидагича: кичик (0,0-0,1 см.гача-294 дона), ўрта (1,0 см дан – 3,0 см.гача 1163 дона), йирик (3,0 см.дан – 5.0 см.гача—422 дона) ҳамда ўта йирик (5 см дан ортиқ - 14 дона).


1-жадвал. Тип-лист.

Тош буюмлар типлари	
Ишлов берилмаган отшеплар	1903
Ишлов берилмаган парақалар:	483
Шу жумладан микропарақалар	273
Тош ўзаклари	48
Призмасимон Конуссимон Микро тош ўзаклари	23 16 9
Тошни йўниш билан боғлиқ бўлган тош буюмлари	34
Жами	2468
Елка қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	96
Шу жумладан, микропарақалар	50
Елка қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	134
Шу жумладан, микропарақалар	55
Астар қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	53
Шу жумладан, микропарақалар	24
Астар қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	**29**
Шу жумладан, микропарақалар	6
Ён томонлари бўйича қарама-қарши ҳолатда ишлов берилган парақалар	**17**
Ён томонлари тўбаланиб ўтмасланган ҳолатда ишлов берилган парақалар	**16**
Уч кесим қисми бўйича ишлов берилган парақалар:	
Қийшиқ ҳолатда	
Тўғри ҳолатда	6
Геометрик шаклдаги қуроллар: трапеция	**1**
Ён қирралари бўйича ишлов берилган чуқурчаларига эга бўлган парақалар	21
Шу жумладан, микропарақалар	1
Парақанинг устки кесим қисмида иш майдонига эга бўлган қирғичлар	**19**
Тешгич қуроллар	**28**
Қовурғасимон парақалар	**9**
Архаик кўринишга эга бўлган энли парақалар	**12**
Жами	**442**
Турли иш майдонигаэга бўлган қирғичлар:	114
Жумладан, тик иш майдонига эга бўлган қирғичлар; дисксимон қирғичлар, тирноқсимон микроқирғичлар	30
Турли ён томонлари бўйича иш майдонларига эга бўлган отшеплар	469
Понасимон қуроллар	20
Рандасимон қуроллар	30
Икки ён томони бўйича ишлов берилган ўқ-ёй учлари	1
Тешкич қуроллар	42
Кескич қуроллар	39
Қайроқтош қуроллари	71
Плиткасимон қирғич қуроллари	13
Ёрғучоқлар	9
Икки юз қисми силлиқланиб иш майдони ҳосил қилинган болта қуроли	-
Микро чоппер қуроли	-
Йирик ҳажмли ушаткич қуроли, бўлаклари	3
Кварц	-
Жами	**824**
ЖАМИ	**3734**


Ишлов берилмаган пайрақалар ва микропайрақалар (483 дона: шундан 273 донаси микропайрақалар). Пайрақаларнинг кўпчилиги узун бўйли, елка қисмида пайрақалар учириб олинганлиги излари сақланиб қолган (икки йўлли). Пайрақаларнинг ўлчамлари қўйидагича: 0,0-0,7 см (273 дона, 57%), 0,7 см ва 1,0 см.гача (140 дона 29%), 1,0-1,5 см.ли (63 дона, 13%), 1,5 см.дан ортиқ (7 дона, 1%). Майда ва микропайрақалар эса 413 дона - 86%. Микропайрақалар ишлов берилмаган пичоқсимон кўринишдаги пайрақалар умумий сонининг 50,1% ни ташкил этади. Пайрақалар орасида бутунлари ҳам учрайди (12 дона). Ишлов берилмаган пайрақалар ичида қорамтир – яшил, кулрангли чақмоқтошлашган сланецдан ясалган пайрақалар кўпчиликни ташкил этади.

Тепақул 4 ёдгорлиги тош буюмлари ичида 1266 дона (тош ўзаклари, тошни йўниш билан боғлиқ бўлган тош буюмлардан ташқари) тош қуроллари борлиги аниқланди (3734/1266). Уларни типологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:


1. Пайрақа қуроллари—442 дона, 34,9% (умумий ишлов берилган тош қуроллари сонига нисбатан) (6-расм, 1-16; 7-расм, 1-8; 8-расм, 1-20; 9-расм, 1-18; 10-расм, 1-6; 11-расм, 1-6; 12-расм, 1-19). Мазкур қуролларнинг шакли ва ишлов бериш усуллари бўйича қуйидаги типларга бўлиш мумкин: 1. Елка томонига ишлов берилган пайрақалар (230 дона). 2. Ички томонига ишлов берилган пайрақалар (82 дона); Шунингдек, пайрақа қуроллари ичида 1 дона геометрик шаклдаги қурол, ён қирралари бўйича ишлов берилган чуқурчаларга эга бўлган пайрақалар (21 дона), пайрақадан ясалган қирғичлар (19 дона), тешгич қуроллари (28 дона), қовурғасимон кўринишли пайрақа қуроллар (9 дона), архаик кўринишдаги энли пайрақалар (12 дона) борлиги аниқланди. (6-расм, 19, 20; 7-расм, 9-11,17-21; 8-расм, 25, 26; 9-расм, 21, 22; 11-расм, 7-10; 12-расм, 12-14). 2. Учириндидан ясалган қуроллар—824 дона, 65% (6-расм, 33; 8-расм, 20-25; 9-расм, 20-25, 27; 10-расм, 10, 11, 16). Мазкур қуроллар ичида ён қирралари бўйича турлича усулда (тик кертиш, ётиғига эзиш, баъзи ҳолатда қарама-қарши, ҳатто тишсимон усулда) ишлов берилиб, иш юзаси ҳосил қилинган учиринди қуроллари—469 дона. Уларни иш юзалари характерига қараб типологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин: текис, бироз кемтикли; ён қирраларида ўйиқ қисми, чуқурчаларига эга бўлган; камроқ бўлсада ёйсимон кўринишдаги; ён қирраларининг турли жойларига бир-бирларидан ажратилган ҳамда қарама-қарши ҳолда ишлов берилган; ён қирраси ички томонидан ишлов берилган иш юзали учиринди қуроллар. Хусусан, ён қирраси ички томонидан ишлов берилган учириндилар ҳақида олдинги тадқиқотларимизда маълумот келтирганмиз (Холматов, 2012, 93-б.). Мазкур учиринди қуролларнинг аксарияти кулранг, яъни тўқ ва очиқ кулранг ҳамда яшил рангли чақмоқтошли-сланецлардан ясалган. Жигаррангли чақмоқтош, сланец, холцедон, кварцит, кварцлардан кам миқдорда тайёрланган. Учириндидан ясалган қуролларнинг ичида қирғичлар мавжудлиги аҳамиятлидир – 114 дона, 14%. (6-расм, 23, 24, 28; 7-расм, 14-16, 20; 8-расм, 21-24, 27, 28; 9-расм, 19, 20, 30;10-расм, 8, 9, 12, 14, 15; 12-расм, 20-23). Техник-типологик жиҳатдан қирғич қуролларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Баланд бўйли иш юзасига эга бўлган қирғичлар—13 дона. 2) Паст бўйли иш юзасига эга бўлган қирғичлар (39 дона). Макур иш юзалари кертув усулида ички қисмига нисбатан вертикал ҳолатда, ёйсимон, нисбатан қийшиқроқ, баъзан жуда кам ҳолатда тўғри шаклда ҳосил қилинган. 3) Ясси ёки тайпоқ иш юзасига эга бўлган қирғичлар—45 дона. Иш юзалари кўпинча ёйсимон бўлиб, уларга кертув ёки эзиш усулида ишлов берилган. Микроқирғичлар жумладан, тирноқсимон—17




6-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-17, 25, 30 - устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақалар; 18-20 - тешгич қуроллар; 21, 22 - ишлов берилмаган парақалар; 23, 24, 28 учирмадан ясалган қирғичлар; 26, 27, 29, 33, 34 - ишлов берилган учирмалар; 31, 32 - тош ўзаклари



7-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-8, 13, 17, 18 - устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақалар; 9-11 - тешгич қуроллар; 12, 14-16, 20 - учирмадан ясалган қирғичлар; 19 - ишлов берилган учирма; 21-23 - тош ўзаклари



8-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-19 - ён қирралари бўйича ишлов берилган парақа қуроллари; 20, 24, 25 - ишлов берилган учирмалар; 21-23, 26, 27 - учирмалардан ясалган қирғичлар; 28-30 - тош ўзаклари



9-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-18, 21,22- устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақа қуролар; 19, 20, 26, 30 - қирғич қуроллари; 23-25, 27-29-ишлов берилган учирмалар

дона. Улар ўз шакли бўйича кўпинча айлана кўринишга эга. Понасимон қуроллар 20 дона - 2,4%. Ўлчами жиҳатидан унча катта бўлмаган учириндилардан ясалган. Баъзилари сиртида қайроқнинг устки пўсти сақланиб қолганлиги ҳолати кузатилади. Улар уч қисми икки томонидан чақмоқланиб юпқалаштирилган учириндилардан ҳамда уч қисми юпқалашган ва текис қиррага эга бўлган тош ўзакларидан тайёрланган. Иш юзасига ҳам олд, ҳам ички томонидан ишлов берилиши бу қурол учун хос хусусиятдир.

Рандасимон қуроллар - 30 дона, 3,6% (6-расм, 27; 9-расм, 26; 12-расм, 24). Уларнинг иш юзаси учириндининг ён қиррасидаги қабариқ, кемтик қисмида кертув усулида ишлов берилиш билан ҳосил қилинган. Ўқ ёй учлари—1 дона. Учириндидан ясалган мазкур ўқ ёй учига ҳар икки ён томонидан ишлов берилган. У техник-типологик жиҳатдан Сазағон 2, Жангал 1 ёдгорликлари ўқ-ёй қуролларига ўхшаш.

Тешгич қуроллари—42 дона, 5,1%. Ўртача ўлчамли учириндилардан ясалган. Уч қисми, яъни иш юзаси икки ён томонидан яхши ишлов бериш орқали ҳосил қилинган (9-расм, 28; 12-расм, 26, 28). Кесгич қуроллар – 39 дона—4,7% (6-расм, 17; 7-расм, 19; 12-расм, 24). Мазкур типдаги қуроллар текис ён қиррага эга бўлган учириндилардан ясалган. Иш юзасига эзиш усули орқали ишлов берилган. Ўз шакли ва ишлов берилиши усуллари бўйича бошқа Сазоғон ёдгорликлари қуролларига ўхшаш. Қайроқтош қуроллари –13 дона (13-расм). Асл, бутун ҳолатда қайроқдан ясалган қуроллар нисбатан кам сонли, кўпчилик миқдорни эса қайроқтош бўлаклари ташкил этади. Тепақул 3 макони тош қуроллари типологик таҳлилида мазкур қуроллар таснифини келтирганмиз (Холматов, 2012, 95-б.). Юпқа плиткасимон кўринишли қирғичлар, йирик ҳажмли тош ушаткичлар - 13 дона (14-расм). Мазкур тош буюмлари чўзинчоқ суйрисимон ёки айлана кўринишли бўлиб, юпқа сланец ёки қайроқдан ясалган. Ён қирралари бўйлаб, ичкари томон кертув усулида ишлов берилган. Мазкур қуроллардан турмушда ҳайвонлар терисига ишлов беришда ёки баъзи предметларни кесишда фойдаланилган бўлиши мумкин. Ёрғучоқлар - 9 дона. Асосан, юпқа ўлчамли сланецли тош плиталардан ясалган. Иш юзаси ботиқроқ кўринишли ва ўртароғида донни эзиш туфайли чуқурлашган қисми кўзга ташланади. Ёрғучоқлар ўз шакли, ўлчамлари ва ишлов берилиши усуллари билан саразм ёрғучоқларига ўхшаш (Исаков, 1991).

Суякдан ясалган қуроллар. Ёдгорлик тадқиқоти жараёнида бутун ҳолатда сақланган суяк қуроллари топилмади. Фақатгина 2 дона суяк қуролининг бўлаги учратилган. Илик суяги узунасига силлиқланишидан ўткир уч чиқарилиб иш юзаси ҳосил қилинган.


Зеб-зийнат, тақинчоқлар масаласига келганимизда худди Сазоғон 2 ёдгорлиги тақинчоқларига ўхшаш зеб-зийнат предметларининг 2 типи намуналари топилди: 1. Юпқа қайроқдан силлиқланиб ясалган ўртасида пармаланган тешикчали тақичоқлар. 2. Чиғаноқдан ясалган тақинчоқлар.

Сопол идишлар. Тепақул 4 макони сопол идиш парчаларининг кўпчилиги қалин деворли тарихий тараққиётнинг сўнгги даврларига тўғри келувчи сополлар ҳисобланади. Бу идишларга оқ рангли кварцлар қўшилган. Сопол бўлаклари ичида неолит даврига оид сополлар ҳам бор (бу сопол бўлаклари ўз хусусиятларига кўра, сазоғон ёдгорликлари идишларига ўхшаш). Улар юпқа деворли қўлда ясалган идишлар бўлаклари бўлиб, бу бўлаклар асосида оғиз қисми тўғри ёки озгина ташқи томонга қайрилган, таг қисми текис, айлана шаклда, қорин қисми кенгайган кўринишли идишлар бўлишганлиги ҳақида хулоса билдириш мумкин. Саноқли со-


пол парчалари сиртида Сазоғон 2, Джангал 1, Тепақул 3 макони сополлари нақшларига ўхшаш нақшлар кузатилади (11-расм, 14, 17; 12-расм, 29, 30).

Тепақул 4 макони моддий маданияти ўзига хос хусусияти ва хронологияси. Сазоғон 1 ва 2, Джангал 1, Тепақул 3 ёдгорликларининг моддий маданияти ўзига хос хусусияти ва хронологияси борасида маълумотлар таҳлилини тадқиқотларимизда имконият даражасида келтирганмиз (Джуракулов, Холматов, 1991. 80, 100-б.; 1991а, 11-16-б.; Холматов, 2012, 83-105-б.). Бу хусусиятлар нақадар Ўрта Зарафшон воҳаси сазоғон неолит жамоалари маданиятининг ўзига хослигини белгилайди, балки ёдгорликлар тош индустрияси характери, стратиграфик маълумотлари, маданий қатламларнинг структуравий тузилмалари, жамоалар турмуш тарзи, маънавий кечинмалари, хўжалик машғулотлари, қўшни жамоалар билан маданий алоқалари, маданиятлар генесологик илдизлари ва бу илдизлар туб жойли, маҳаллий эканлиги каби масалалар ечимига илмий асос беради. Таъкидлаш жоизки, тадқиқотларда сазоғон маданияти ёдгорликлари моддий маданияти ўзига хослиги, хронологияси, тош индустрияси характери масалаларини аниқлашда тош буюмлари баъзи типлари салмоғи ошиши ёки камайиши нисбатлари асос қилиб олинган. Тепақул 4 макони материаллари таҳлили ҳам шу нисбатга асосланади.


Ёдгорлик тош буюмлари типологик таҳлил асосида 6 та гуруҳга ажратилди ва ўз навбатида гуруҳлар ҳам типларга бўлинди: тош ўзаклари 3 та типга; пайрақадан ясалган қуроллар гуруҳи 13 та типга; учириндидан ясалган қуроллар гуруҳи 7 та типга; бошқа турдаги қуроллар гуруҳи эса 4 та типга ажратилди. Таҳлиллардан ёдгорлик тош индустрияси-учириндили-пайрақали индустрия эканлиги маълум бўлди. Юқорида келтирганимиздек, ёдгорлик моддий маданияти ўзига хослиги, хронологиясини аниқлаштиришда баъзи тош буюмлар салмоғининг сазоғон маданияти бошқа ёдгорликлари тош буюмлари салмоғи билан қиёсий таққосланиши нисбати асос қилиб олинди (1-4 жадваллар). Жадваллар маълумотлари кўрсатишича, (Джуракулов, Холматов, 1991. 80-101 б., 15-17 жадваллар; Холматов, 2012, 1-4-жадваллар) Тепақул 4 макони баъзи қуроллар типлари салмоғи бўйича фарқланиш ҳолатлари кузатилди. Фактларга мурожаат этсак, ёдгорлик тош индустрияси тош буюмлари 6 та гуруҳи бўйича: тош ўзаклари ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар, ишлов берилмаган учириндилар, ишлов берилмаган пайрақалар салмоғи камайган, пайрақадан ясалган қуроллар, айниқса учириндилардан ясалган қуролларнинг салмоғи кескин ошганлигини кузатамиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, учириндилардан ясалган қуроллар салмоғи бўйича (ишлов берилган қуроллар сонига нисбатан) Тепақул 4 макони Сазоғон 1, 2 маконига яқин бўлиб чиқди. Ёдгорлик пайрақа қуроллари салмоғи жиҳатидан (шу нисбатда) Жангал 1, Тепақул 3 маконларига нисбатан кам миқдорни ташкил этиб, шу асосда Сазоғон 2 маконига яқинлашди. Микропайрақа қуроллари нисбати билан қизиққанимизда Тепақул 4 макони микропайрақа қуроллари салмоғи Сазоғон 1, 2 микропайрақа қуролларига нисбатан юқорироқ, Жангал 1, Тепақул 3 ёдгорликлари микропайрақа қуролларига нисбатан деярли тенг салмоққа эга эканлиги маълум бўлди. Жадваллардан ёдгорлик пайрақа буюмлари ичида ишлов берилмаган микропайрақалар салмоғи камайганлигини кўрамиз. Шунингдек, пайрақадан ясалган Тутқовул типидаги тешгич қуроллар, пайрақадан ясалган қирғичлар ҳамда қайроқтошлар, кескич қуроллар салмоғи ошган ва ўз навбатида тик иш майдонига эга бўлган учириндилардан ясалган қирғичлар, понасимон қуроллар, ён, олд томонига ишлов берилган тош ўзаклари салмоғи камайган. Пайрақадан ясалган тешгич




10-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-6 - устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақа қуроллари; 7, 8, 10, 11 - ишлов берилган учирмалар; 9, 12-16 - қирғич қуроллар



11-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-8 - устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақа қуроллари; 9-13, 15, 16 - учирмалардан ясалган қуроллар; 14, 17 - нақшли сопол буюм парчалари




12-расм. Тепақул 4. Тош қуроллар. 1-11, 15-19 - устки кесим ва ён қирралари бўйича турли усулда ишлов берилган парақа қуроллар; 12-14 - тешкич қуроллар; 20-23 - учирмалардан ясалган қирғич қуроллар; 24, 25, 27-учирмалардан ясалган қуроллар; 26, 28 - учирмалардан ясалган тешкич қуроллар; 29, 30 - нақшли сопол буюм парчалари



13-расм. Тепақул 4.1, 2 - қайроқтош қуроллари

ускуналарнинг ясалиш шакл-шамойилида Тожикистоннинг тоғ минтақасида ўрганилган Тутқовул макони жамоалари тешгич қуролларига ўхшашлик кузатилди (Ранов, Коробкова, 1971). Микропайрақаларнинг сероблиги ва қўлланилган технологик усуллар макон тош индустриясининг ўзига хос хусусиятларидан бирини белгилайди. Учирмалардан ясалган қуроллар турли юмушларда, жумладан, арралаш, рандалаш, ёғоч ва суякларни қириш каби ишларда ишлатилган. Тутқовул типидаги тешгич қуролларнинг учраши ҳамда юқорида қайд қилинган хусусиятлар макон тош индустриясининг Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит-неолит жамоалари моддий маданияти даражасига мансублигидан далолат беради. Макондан туркум ёрғучоқ тошлари, донни эзишда қўлланилган ўртача ҳажмдаги тошлар учратилган бўлиб, бу топилмалар Қоратепа минтақасида яшаган неолит жамоаларининг нафақат термачилик билан шуғулланишганлиги, балки улар турмушида зироатчиликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлаётганлиги борасида фикр юритиш имконини беради. Бу Зарафшон ҳавзаси қадимги цивилизацияси илк томирларидир.



14-расм. Тепақул 4. Йирик ҳажмли тош ушаткич

2-жадвал. Сазогон маданияти ёдгорликлари асосий тош буюмлари киёсий таққосланиши.

Тош буюмлар типлари	Ёдгорликлар									
	Сазоғон 1		Сазоғон II		Жангал I		Тепақул III		Тепақул IV	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Нуклеуслар, тошни йўниш билан боғлиқ предметлар	130	4,9	276	5,8	55	5,7	32	2,9	82	2,2
Ишлов берилмаган парақалар:	372	16,8	694	14,5	127	13,5	617	18,7	483	13
а) парақалар	227	10,3	448	9,3	69	6,5	308	9,3	210	5,6
б) микропарақалар	278	79,4	498	62,3	84	7,1	309	9,4	273	7,4
Ишлов берилмаган отшеплар	1357	63,4	3321	63,1	606	64,1	1959	59,2	1903	51
Парақадан ясалган қуроллар	72	3,3	301	6,3	72	7,6	276	8,4	442	11,8
жумладан микропарақалар	16	0,7	61	1,3	33	3,4	136	4,1	130	3,4
Отшепдан ясалган қуроллар	277	12,5	497	10,4	84	8,9	327	9,9	824	22

3-жадвал

Тош буюмлар типлари	Ёдгорликлар									
	Сазоғон 1		Сазоғон II		Жангал I		Тепақул III		Тепақул IV	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Ишлов берилмаган отшеплар	1634	76,1	3518	73,5	690	73	1959	59,2	1903	51
Ишлов берилмаган парақалар	444	20,1	995	20,8	199	21,1	617	18,7	483	13
Отшепдан ясалган қуроллар	278	79,4	498	62,3	84	53,8	327	51	824	65,1
Парақадан ясалган қуроллар	72	20,6	301	37,7	72	46,2	276	43	442	34,9
Микропарақалар ҳаммаси	161	31,2	317	24,4	91	34	445	49,9	403	44
Ишлов берилган микропарақалар	16	22,2	61	20,3	33	45,8	136	49,2	130	29,4

Тепақул 4 макони тош индустриясининг ўзига хос хусусияти масаласига эътибор қаратганимизда, Сазоғон 1, Очилғор макони пастки маданий қатлами, Чорбақти мезолит ёдгорликлари ва ҳаттоки Самарқанд макони тош индустриясига хос бўлган анъаналарнинг кузатилганлиги фактини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу анъана призмасимон, конуссимон, ҳамда ён олд томонига ишлов берилган тош ўзаклари, уч қисмида ёйсимон ҳолатда бўртиб чиққан иш юзасига эга бўлган қирғичлар, тик бўйли иш юзасига эга бўлган қирғич лар, тирноқсимон микроқирғиччалар, понасимон қуроллар, учириндидан ясалган ён қиррасида ёйсимон ботиқ кўринишли ишлов берилган иш юзасига эга бўлган қуроллар, архаик кўринишдаги пайрақа қуроллар шакли ва ишлов берилиши услубида намоён бўлган. Тирноқсимон микроқирғичлар археолог Н.О. Хушвақтов тадқиқотида аниқланишича сўнгги палеолитнинг охирларида (мадлен басқичи—18000-12000 й.) пайдо бўлиб (Кўлбулоқ (I-III) қатламлари, Самарқанд макони, Сиабча, Хўжамазгил), кейинги мезолит ва неолит даврида кенг тарқалган (Хушвақов, 1912, 60, 61-б.). Мазкур типдаги қуролларнинг Тепақул 4 макони тош индустриясида мавжудлиги сўзсиз генетик алоқаларни ҳамда маданиятнинг ўзига хослик хусусиятини билишимизда аҳамиятлидир.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб Тепақул 4 макони моддий маданияти борасида қуйидаги мазмунда якуний хулосаларни келтиришимиз мумкин:

1. Тепақул 4 макони тош индустрияси ўзига хос хусусиятлари, моддий манбалари, хусусан, тош қуроллари, сопол идишлари, зеб-зийнатлари характери ҳамда ёдгорлик геологик ҳолати ва саналаниши, стратиграфик маълумотлари, маданий қатлами структуравий тузилмалари ёдгорликни Сазоғон маданияти ёдгорликлари тизимига киритишимизга илмий асос яратади.

2. Тепақул 4 макони хронологияси масаласида қуйидаги жиҳатлар илмий асос беради: Юқорида Тепақул 4 макони тош индустриясида учиринди, пайрақалардан ясалган қуролларнинг нисбат салмоқлари ошганлиги ёки камайганлиги ёдгорлик хронологиясини аниқлаш омили эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган эди. Шу тамойилга асослансак Тепақул 4 макони моддий маданияти Жангал 1, Тепақул 3 маконларига нисбатан Сазоғон 1, 2 ёдгорликлари моддий маданиятига яқин эканлиги маълум бўлди: Сазоғон 1 - мезолит даври сўнгги босқичи (мил. авв. 8-7 минг йиллик), Сазоғон 2 – неолит (мил. авв. 7-5 минг йиллик), Тепақул 4 - неолит (мил. авв. 6-4 минг йиллик), Жангал 1, Тепақул 3 – неолит (мил. авв. 5-3 минг йиллик). Ушбу хронологик тизимда Тепақул 4 макони ўзида сазоғон маданияти ривожининг ўрта босқичи моддий маданиятини акс эттирган деб ҳисоблаймиз.

3. Сазоғон хусусан, Тепақул 4 макони тош индустриясида Сазоғон 1, Очилғор макони пастки маданий қатлами, Чорбақти мезолит ёдгорликлари ҳамда Самарқанд макони моддий маданиятига хос тош қуроллари индустрияси анъаналарини куза-

4-жадвал

	Тош буюмлар гурухи ва типлари	Сазоғон I	Сазоғон II	Жангал I	Тепақул III	Тепақул IV
		%	%	%	%	%
1	Ишлов берилмаган парақалар (ҳаммаси)	20,1	20,8	21,1	19	13
2	Ишлов берилмаган отшеплар (ҳаммаси)	74	73,5	73,1	59,2	51
3	Тош ўзаклари: а) призмасимон	1,4	1,6	1,9	1,9	1,3
	б) конуссимон				1,8	0,4
	в) ён олд томонига ишлов берилган	1,3	0,4	0,1	0,2	0.1
	г) дисксимон				0,1	
4	Парақадан ясалган қуроллар (тош қуроллари умумий сонидан)	20,6	37,7	46,1	43	35
5	Отшепдан ясалган қуроллар (тош қуроллари умумий сонидан)	79,4	62,3	53,8	51,8	65,1
6	Микропарақалар (парақалар умумий сонидан)	36,3	30,9	45,7	49,9	44,2
7	Ишлов берилган микропарақалар (тош қуроллари умумий сонидан)	4,6	7,6	21,1	22,6	10,7
8	Парақадан ясалган қуроллар (тош қуроллари умумий сонидан) Елка томонидан ишлов берилган.	4	8,3	19,8	21,6	18,1
9	Астар томонидан ишлов берилган	8	15,2	8,9	10	6,4
Собака/ волк. Изображения этих животных крайне схематизированы и представлены небольшой группой находок. В основном они встречаются на ручках каунчинских сосудов. С Кугаиттепа (в Ташкенте) происходит слив в виде головы собаки. На ее лоб налепом нанесен зороастрийский символ в виде полумесяца рожками вверх и помещенного между ними диском. В окрестностях городища Канка найдена ременная бляшка с изображением волка, переданного в сложном трехчетвертном повороте, но с крупной головой и характерной пастью. Излишне напоминать известные факты о роли собаки в зороастрийских представлениях. Отметим лишь, что наряду с доброжелательными функциями, охранника, борца со злом, ей отводилась и роль медиатора – посредника в похоронной обрядности. Как существо уничтожающее мертвую плоть и очищающее кости – бессмертные частицы, собака выполняла функцию перевозчика умершего в иной мир.

В древности значение волка как тотема было очевидным. Волк почитался как прародитель племени многими народами. Самоназвания многих народностей Центральной Азии переводится как волки. Во время инициации мужчины племени ритуально превращались в волка, наряжались в шкуры этих животных и проводили ритуалы и символически становились бесстрашными и беспощадными воинами.

На тотемическое начало его культа у древних хунну, сяньби, тюрков указывают предания о происхождении от него предков этих народов. В тюркской легенде волчица определенно – Праматерь и, видимо, владычица плодородия и земли-воды. В память об этом золотая волчья голова красовалась на тюркских знаменах, а словом «фули» – «бори» называли отборных гвардейцев кагана. Он даже вошел в состав титула (бори-шад), который носил один из принцев крови. Волк был символом воинской доблести, храбрости и беспощадности. Причем сам каган считался прямым потомком волчицы. Кстати, Чингизхан также, как гласит легенда, считался потомком небесного серо-голубого волка.

В Древней Греции волка относили к священным животным бога Аполлона, в Риме он был символом бога войны Марса и предзнаменованием победы, если его замечали перед битвой. Широко бытовало представление о связи этого животного с



Рис. 3. 1-3 медные монеты Чача с изображением кошачьего хищника (льва) на лицевой стороне. VII-VIII вв. 4-6 - буллы с изображением льва у древа жизни. Храм VI - нач. VII вв. на городище Канка; 7 - ручка каунчинской кружки в виде стилизованного изображения кошачьего хищника. Окрестности городища Канка; 8 - ручка каунчинской кружки в виде стилизованного изображения гиены. Окрестности городища Канка; 9 - навершие-ручка крышки оссуария в виде птицы. VI- VIII вв. Окрестности городища Канка.

подземным миром (тем более, что свое логово волки устраивают в норе, т.е. под землей). Многие народы верили, что души умерших могли являться в виде волков. Поэтому вой волка предвещает несчастье, падеж скота или смерть людей на войне. Согласно зороастрийской погребальной практике тела умерших (для очищения костей от осквернённой болезнями и смертью плоти) выставлялись на возвышенное место, где они поедались, т.е. их поглотителями были собаки, птицы или волки. Отсюда волки воспринимались как хтонические существа, которые могут нести смерть или быть ее предвестником. Но с другой стороны как существа связанные с подземным миром, его силами они могут быть подателями богатства и плодородия. Это, например, вера крестьян Европы, что Хлебный дух (или дух зерна) живет на пшеничном поле в виде волка. Видимо, схожие представления (отвратить несчастье, принести удачу) лежат в основе традиции помещать на тулове или на ручках сосудов изображения волков в Ташкентском оазисе в эпоху античности. Все та же магическая связь с культом плодородия лежит и в основе популярной в Средней Азии конной игры «Кок бори» (буквально «голубой волк») или «улак» – знаменитого козлодрания. Уже из самого названия видно, что первоначально тушей жертвенного животного был волк (небесный волк), обладание которым должно было принести удачу и плодородие победителю и его родичам. Однако к XIX веку «кок бори» как и бои животных при праздновании нового года в значительной степени утратили общественно-обрядовую функцию. Ритуальная роль «кок бори» продолжала сохраняться лишь в связи со свадебным ритуалом, а сейчас и вовсе трансформировалась в яркое зрелищное конноспортивное состязание.

Отголоском веры в магические способности волка являлось использование частей тела животного в любовной, вредоносной и лечебной магии. Например, достаточно было завладеть клочком его шерсти и незаметно прикоснуться им к любимому человеку, чтобы тот ответил взаимностью. Вероятно, необычайно острое обоняние зверя породило представление о носе как вместилище его души. Поэтому отрезанный кончик волчьего носа до сих пор считается одним из самых действенных оберегов. Оберегами служили также куски его шкуры, когти, зубы и челюсти.

Птицы. На крышках оссуариев нередко помещались изображения птиц (с раскрытыми или со сложенными крыльями). С городища Канка происходят кольцо и фрагменты керамики с изображением птичьих лап.

Чаще всего изображения этих птиц очень стилизованы, и определить их зоологический вид почти не возможно. Иногда они похожи на орла иди ворона, иногда на павлина или голубя, иногда на петуха. Возможно, их обобщенный образ отражал многообразие представлений о птицах. К примеру, образ орла мог быть олицетворением солнца, огня, носителем плодородия, символом священного древа, родоначальником царской династии (Косарев, 1984. С. 188). В представлениях древних греков орел – вестник богов, но вместе с тем он считался проводником души (в связи с этим предвестником близкой смерти). Но одновременно все это сочеталось с верой, что орел приносит детей (души с того света) (Клингер, 1911. С. 49-50). Действительно, чаще всего птицы ассоциировались с душами. В основе этого представления, видимо, также лежит культ предков, так как считалось, что в виде птиц к людям являются души их родственников. Вспомним свидетельства античных авторов, что гирканцы и каспии выставляют трупы на съедение птицам и зверям (Древние авторы, 1940. С. 144). Павлин, голубь, венчавшие композицию крышки оссуариев, как и курица, символизировали Ардвисуру Анахиту и воспринимались как символ будущего возрождения. Любопытно, что в греческой мифологии петух был священной птицей Персефоны (богини умирающей и воскресающей природы). В зороастризме петух был священной птицей Сраоши, вестника богов, одного из судей в цар-

стве мертвых (Gray, 1925. P. 107). Крик его будил, предвещал свет и заставлял уползать во тьму девов и их порождения. Получается, на среднеазиатской почве в образе петуха сохранялись и какие-то представления о его связи с миром мертвых (миром предков). Возможно, петух, крик которого предшествовал появлению на заре солнца, становился символом возрождения (где в универсальной архаичной схеме – будущая реинкарнация уподоблялась солнцу, умирающего вечером и воскресающего по его призыву). В этой связи раскрывается контекст сообщения Наршахи о том, что все мужское население Бухары в день встречи Навруза приносили петуха в жертву Сиявущу, древнему божеству умирающей и воскресающей природы (Дьяконов, 1951. С. 41). Все это указывало не только на хтоническую символику изображений птиц, но и на связь их с культом плодородия. Любопытно, что у лезгин петух и курица символизировали тоже плодородие и были обязательны в ритуале свадьбы. Как и среднеазиатские народы, лезгины считали, что крик петуха прогоняет злых духов. Домашняя птица играла роль жертвы в магическом обряде избавления от недуга (Гаджиев, 1977. С.119).

Отметим также находки в культовых комнатках (домашних капеллах) и в жертвенных кострищах храма птичьих косточек. Возможно, это жертвоприношение в честь божества или духов предков. С городища происходят находки птичьих косточек с отверстиями для подвешивания и орлиных когтей. Совершенно очевидно, что они играли роль амулетов. Именно в этом качестве их использовало современное население Средней Азии, связывая их, прежде всего, с культом плодородия.

Таким образом, археологические материалы показывают, что религиозные представления раннесредневекового населения Чача отражают сакральное отношение к животным и уходят своими корнями в первобытные верования. По-видимому, как самостоятельное явление зооморфные культы в эпоху раннего средневековья потеряли свое значение под давлением более унифицированных и развитых религиозных систем. Но сакрализация животных всё же сохранилась и стала важной формой проявления народных культов, когда с помощью различных магических действий их стремились задобрить и превратить в своих защитников и покровителей. Почитание или принесение в жертву животных становится одним из компонентов религиозных и домашних обрядов, а зооморфный код в декоре еще долгое время наделяется магической нагрузкой как воплощение благопожелательной символики.

Использованная литература:

Абетеков А.К. О погребении собаки в усуньском кургане в Чуйской долине // КСИА. Вып. 154. М., 1978.

Акишев К.А. Курган «Иссык» // Вглубь веков. Алма-Ата, 1974.

Андреев М.С. Таджики долины Хуф (верховья Амударьи) // ТИИАЭ АН Тадж.ССР. Т. 61. (Материалы к изучению культуры и быта таджиков). Сталинабад, 1958.

Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы и юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

Антонова Е.В. Мургабские печати в свете религиозно-мифологических представлений обитателей юга Средней Азии и их соседей // Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности. М., 1983.

Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. М., 1984.

Афанасьев Г. Бронзовые фигурки всадников из аланских погребений Северного Кавказа // Сообщения Гос. Эрмитажа. Вып. XXVI. Л., 1973.

Байпаков К.М. Культ барана у сырдарьинских племен // Археологические исследования древнего и средневекового Казахстана. Алма-Ата, «Наука», 1980.

Беленицкий А.М. Зооморфные троны в изобразительном искусстве Средней Азии // ИООН АН Тадж.ССР. Вып. 1 (28), Душанбе, 1962.

Беленицкий А.М. Изображения быка на памятниках искусства древнего Пенджикента (К истории зооморфизма в древнем изобразительном искусстве Средней Азии) // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979.

Беленицкий А.М. Конь в культах и идеологических представлениях народов Средней Азии и Евразийских степей в древности и раннем средневековье // КСИА. Вып. 154. М., 1978.

Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. М-Л., 1952. №26.

Бернштам А.Н Саки Памира // ВДИ. М., 1956. №1.

Гаджиев Г.А. Верования лезгин, связанные с животными // СЭ. 1977. №3.

Галданова Г.Р. Доламаистские верования бурят. Новосибирск, 1987.

Геродот История в девяти книгах. Пер. и прим. Г.А. Стратановского. Л., 1972.

Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.). Хрестоматия. Под ред. Л.В. Баженова, Ташкент, 1940.

Дрезден М. Мифология древнего Ирана. Пер. И.М. Стеблин-Каменского // Мифологии древнего Мира. Пер. с английского. Предисловие И.М. Дьяконова. М., ГРВЛ, 1977.

Грач А.Д. Вопросы датировки и семантики древнетюркских тамгообразных изображений горного козла // Тюркологический сборник 1972. М., 1973.

Грицына А.А., Алимов К. Каунчинские печати // ИМКУ. Вып. 20. Ташкент, 1986.

Дьяконов И.М. Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии // КСИИМК. Вып. XL, 1951.

Дьяконов И.В., Смирнова О.И. К вопросу о культе Наны (Анахиты) в Согде // СА. М., 1967. №1.

Зубарь В.М., Мещеряков В. Некоторые данные о верованиях населения Херсонеса (по материалам некрополя первых веков н.э.). Киев, 1983.

Кисляков Н. Бурх - горный козел // СЭ. 1934. №1-2.

Клингер В.П. Животное в античном и современном суеверии. Киев, 1911.

Кляшторный С.Г. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // Тюркский сборник 1977. М., ГРВЛ, 1981.

Косарев М.Ф. Западная Сибирь в древности. М., 1984.

Кузьмина Е.Е. В стране Кавада и Афрасиаба. М., 1977.

Кузьмина Е.Е. Сюжет противоборства двух животных в искусстве азиатских степей // КСИА. Вып.154. М., 1978.

Левина Л.М. Исследования в Джетыасарском урочище // Археологические исследования 1976. М., 1977.

Левтеева Л.Г. Печати и штампы с городища Киндиктепа из собрания музея истории // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). -Тошкент, 2014.

Литвинский Б.А. Древние кочевники «Крыши мира». М., 1972.

Луконин В.Г. Искусство Древнего Ирана. М., 1977.

Массон В.М. Идеологические представления среднеазиатских племен эпохи энеолита // Энеолит СССР. М., 1982.

Миносянц В.С. Описание керамического изображения двухголовой змеи из Ташкента // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Материалы международной научной конференции, посвященной 2200-летнему юбилею города Ташкента. Ташкент, 2009.

Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии // ТИЭ. Новая серия. Т. XLII. М.-Л., 1959.

Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. Л., 1980.

Рахимов М. Обычаи и обряды, связанные со смертью и похоронами у таджиков Кулябской области // Известия Отделения общественных наук АН Тадж.ССР. Вып. 3. Сталинабад, 1953.

Ремпель Л.И. Фрагмент бронзовой статуи верблюда из Самарканда и крылатого верблюда из Варахши (К вопросу о природе Согдийского искусства). /Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). М., Наука, 1977.

Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969.

Тревер К.В. Гопатшах – пастух – царь. // Труды Отдела Востока Эрмитажа. Том II. Л., 1940.

Хамиджанов М. Некоторые представления таджиков, связанные со змеёй // Труды Академии наук Тадж.ССР. Т. 97. Душанбе, 1960.

Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарканд, 1995. 121 с. и 56 иллюстраций.

Чвырь Л.А. Опыт анализа одного современного обряда в свете древневосточных представлений // Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности. М., Наука, 1983.

Членова Н.Л. Тагарские лошади // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. – М., 1981.

Gray Louis H. The foundations of Iranian Religions. Being a series of the Katanbai Katrak Lectures delivered at Oxford-Bombay. D.B. Taraporevala sons & Co. «Kitab Mahal», Hornly Road. Bombay, 1925.

УДК: 902.6 (575.114)

ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ УСТРУШОНАНИНГ АРХЕОЛОГИЯ ХАРИТАСИГА ДОИР СЎНГГИ МАЪЛУМОТЛАР

© М. Пардаев, Ҳ. Раҳмонов, Ш. Пардаев

Институт археологии Академии наук Республики Узбекистан

Калит сўзлар: *Уструшона, Жиззах воҳаси, Хитой йилномалари, Сангзор, Қалиятепа, Ўрда, Қизлартепа, Қили, археология ёдгорлиги, Равотсой ҳавзаси, шаҳристон, арк, рабод, илк ўрта асрлар, Жиззах отряди, суғориш шаҳобчаси, шаҳар харобалари, микрорельеф, ашёвий далиллар.*

Данная статья посвящена составлению свода археологических памятников, расположенных на территории нижнего течения р. Сангзор Джизакского оазиса. Этот оазис является развитой и густо заселенной историко-культурной областью средневековой Уструшаны, которая осваивалась с архаического периода вплоть до развитого средневековья. В результате исследований здесь зафиксировано более 45 археологических памятников, которые сгруппированы в четыре ирригационные зоны оазиса. В частности, в Калиятепинской ирригационной зоне существует 19; в Урдинской ирригационной зоне – 12; в Килинской ирригационной зоне – 5; в Раватсайской ирригационной зоне – 10 археологических памятников. По подсчетам 15% этих памятников относится к античному периоду, 65% - к раннему средневековью, 20% - к развитому периоду и всего 5% - к позднему периоду средневековья.

A NEW DATA ON THE ARCAEOLOGYCAL MAP OF NORTH-WESTERN USTRUSHANA
M.H. Pardaev, H.U. Rahmonov, Sh.M. Pardaev
Given article is devoted drawing up of the arch of the archaeological monuments located in territory of the bottom current of the river Sangzar of Dghizak oasis. This oasis is developed and densely populated historical and cultural area of medieval Ustrushana which captured since the archaic period up to the developed Middle Ages. As a result of researches here fixed more than 45 archaeological monuments which are grouped in four irrigation zones of oasis. In particular, in the Kaliyatepe irrigation zone there are 19 monuments, in the Urde irrigation zone 12, in the Kili irrigation zone 5, in the Ravatsai irrigation zone 10 archaeological monuments. By estimates 15 % of these monuments belong to antique period, 65 % to the early Middle Ages, 20 % to the developed Middle Ages period and only 5 % to the late period of the Middle Ages.

Уструшона мамлакати ҳақида дастлаб милодий IV-V асрларга оид Хитой йилномалари “Бэй-ши”, “Суй-ши”, кейинчалик Суғд манбалари, араб тарихчи-географлари асарларида маълумотлар берилган. Ушбу маълумотларга биноан, қадимги Уструшонанинг ҳудуди ҳозирги Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти, Қирғизистон Республикасининг Лайлак тумани ва Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудуди билан чегараланган. Мамлакат 18 та рустоқ (туман) – маъмурий бўлинмалардан иборат бўлиб, бу рустоқларнинг тенг ярми – 9 таси ҳозирги Ўзбекистон давлати ҳудудида жойлашган. Уструшонанинг ғарбий сарҳадлари, яъни Сангзор водийси ҳавзасида юқорида қайд этилган рустоқларнинг 3 таси – Фекнон (Жиззах), Харакана (Ғаллаорол) ва Бурнамад (Бахмал) фаолият кўрсатган. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб Уструшонада кечган антропоген жараёнлари ва уни динамикаси бўйича Сангзорнинг қуйи оқимида жойлашган Жиззах воҳаси ва унда тадқиқотлар давомида қайд этилган археологик ёдгорликлар хусусида фикр юритамиз.

Сангзор дарёсининг қуйи оқими водийсида жойлашган Жиззах воҳаси қадимдан ўзининг қулай географик шароити туфайли ибтидоий аждодларимизни назарига тушган ва ўзлаштирила бошланган. Чимқўрғон ва Фориш туманидан топилган ўрта тош, сўнгги тош асрига оид топилма жойлар, Такатошдан топилган неолит, бронза ва кейинги даврларга оид қоятош суратлари ушбу воҳани инсон томонидан ўзлаштирилиши анча қадимдан бошланганидан далолат беради. Жиззах воҳасидаги дастлабки уй-жой манзилларининг қурилиши Кўрпасой бўйларида топилган қишлоқ маконлари билан тасдиқланади ва улар мил. эр. авв. V-IV асрлар билан даврланади.

Сангзор водийси билан боғлиқ антропоген жараёнлари давомида мил. эр. авв. III-II асрлардан бошлаб, воҳанинг бугунги кундаги энг катта ва қадимги шаҳар ёдгорлиги Қалиятепага асос солинган. Қалиятепа ва унинг атрофида жойлашган қишлоқ маконлари илк антик даврдан араб истилосигача бўлган даврда узлуксиз равишда фаолиятда бўлган. Араб истилосидан кейин эса воҳадаги шаҳар ҳаёти, яъни Уструшонанинг Фекнон рустоқи бош шаҳри Дизак – Қалиятепадан 6 км шимолий-ғарбда, ҳозирги Жиззахнинг “Эски шаҳар” мавзейида жойлашган Ўрдага кўчган. Ўрда билан боғлиқ Жиззахдаги шаҳар ҳаёти 1866 йилгача, яъни Россия империяси босқинига қадар кечган. Ушбу тарихий воқеликлар қуйида тафсилоти баён этиладиган археология ёдгорликлари фаолияти билан ҳамоҳанг кечган.

Жиззах воҳаси, Сангзорнинг қуйи оқимида рўйхатга олинган археология ёдгорликларининг аксарият қисми XIX аср ва XX асрнинг бошларида яшаб ўтган тубжой, маҳаллий, тарихий шахслар номи билан аталади. Бунинг сабаби қайси тепалик кимнинг хусусий ери ва томорқаси ҳудудида жойлашган бўлса мазкур ёдгорлик айнан ўша одам номига нисбат бериб аталган. Тадқиқотларда қайд этилган ёдгорликлар 4 гуруҳга – Қалиятепа суғориш шаҳобчаси, Ўрда суғориш шаҳобчаси, Қили ва Раватсой ҳавзаси ёдгорликларига бўлинган.

Қалиятепа суғориш шаҳобчаси

Мазкур суғориш шаҳобчаси Сангзор дарёсининг қуйи оқими бошланишида, ҳозирги Жиззах шаҳрининг шарқий, жанубий-шарқий қисмида вужудга келган. Суғориш шаҳобчаси ҳудудида айни пайтда 20 та археология ёдгорлиги қайд этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Қалиятепа шаҳар харобалари атрофида жойлашган. Қалиятепа ва унинг атрофидаги ёдгорликлар ўтмишда Сангзордан бош олувчи Қалия-Мўлканлик, Қанғли, Хайробод, Олмачи ариқлари орқали сув билан таъминланган. Қайд этилган ёдгорликлар антик (Қалиятепа, Расулбойқултепа...), илк ўрта аср (Пардақултепа, Комилбоботепа, Ёқуббоботепа...), ривожланган ўрта аср (Қизлартепа, Сийпанчиқтепа...) лар билан даврланади.

1. Қалиятепа шаҳар харобалари. Ёдгорлик Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида, “Жиззах” автостанциясидан 700 м шимолда, Жиззах-Пахтакор магистраль йўли ёқасида жойлашган. Жиззах воҳасининг энг катта археология обидаси ҳисобланган Қалиятепа бир-бирига узвий боғланган 5та тўғри тўтбурчаксимон, квадратсимон шаклдаги тепаликлардан иборат. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган, бу комплексларнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 50 га.ни ташкил қилади (1-расм). Қалиятепа ҳам қадимги шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмли шаҳар бўлиб:

1. Арк-шаҳар ҳокими саройи.

2. Шаҳристон-мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган, арк билан туташиб кетган шаҳар мавзейи.

3. Рабод-мудофаа девори ва хандақлардан ташқарида алоҳида жойлашган 5 та тепаликдан иборат.

Арк. Қалиятепа комплексининг энг баланд ва маҳобатли, нисбатан яхши сақланган қисми бўлиб, шаҳристоннинг шарқий ва жанубий дарвозалари ўртасида жойлашган. Ташқи кўриниш жиҳатидан у шарқ-ғарб йўналиши бўйича озроқ чўзилган, айланага монанд шаклга эга. Унинг умумий майдони 1 га.дан ошиқ, баландлиги 21 м.га етади. Аркнинг микрорельефига қараб унинг шимолий, шарқий ва ғарбий томонлари алоҳида, жанубий томони шаҳристоннинг умумий деворлари билан ўраб олинганини кўриш мумкин. 1966 йил Я. Ғуломов раҳбарлигида арк маданий қатламлари стратиграфиясини ўрганиш учун ўтказилган қазув тадқиқотлар натижасига кўра унинг юқори қурилиш даври X-XII асрлар билан белгиланган (Касымов, 1968, 312-313 с.). 2013-2014 йилларда аркда планиграфик қазув тадқиқот ишлари ўтказилди. Натижада, аркнинг ғарбий қисмида бир-бирига параллел равишда кетган коридорлар ва уларнинг ўртасида жойлашган квадратсимон, тўғри тўртбурчаксимон кўринишдаги хоналар очилди. Коридорлар ва хоналарнинг девори асосан пахсадан, қисман хом ғиштдан (42-40x21-20x11-10см) кўтарилган, деворларнинг ички томони гилкори усулда сувалган. Аркнинг ягона дарвозаси шарқ томонда бўлиб, у кўтарма йўлак – пандус орқали шаҳарнинг шарқий дарвозаси комплекси билан туташган. Қазув ишлари давомида топилган моддий маданият намуналари 2 тарихий даврга тааллуқли. Яъни Қалиятепанинг сўнгги қурилиш даври шайбонийлар даврига, ундан аввалги, айнан Арк фаолияти билан боғлиқ сўнгги давр VII-VIII асрлар билан даврланади (2-расм).

Шаҳристон мазкур шаҳар харобаларининг асосий ядроси сифатида Қалиятепа марказида жойлашган. Унинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 270x200 м.ни (5,4 га), баландлиги 11-12 м.ни ташкил қилади. Ер сатҳи рельефини ўрганиш асосида шаҳристоннинг учта - жанубий, шарқий, шимолий дарвозалари ўрни ва уларнинг кўтарма йўллари, мудофаа истеҳкомлари тизими ва ҳарбий буржлар, сўнгги қурилиш даврига тегишли кўча ва маҳаллалар жойлашуви нисбий тарзда аниқланди. Шаҳристон уч томондан эни 25-50 м, чуқурлиги 1,5-2 м.гача сақланиб қолган хандақлар билан ўраб олинган. Тўртинчи, шарқий томонининг ер сатҳи турли қурилишлар оқибатида тубдан ўзгарганлиги сабабли ёдгорликка тааллуқли бирон маълумот олиш имкониятимиз умуман йўқ. Шунингдек, 1980-йилларда Қалиятепа шаҳристонининг асосан шарқий ва қисман жанубий ён бағирларида ер ўзлаштирилиб, кучли сув кўтариб берувчи ускуналар орқали суғориш ишлари ўтказилганлиги сабабли бу ердаги маданий қатламлар деярли яроқсиз ҳолга келтирилган.

Қалиятепа шаҳристонида турли йилларда 3 та стратиграфик шурф ташланган. Шурфлардан олингнан артефактлар асосида шаҳристонда 5 та катта қурилиш даври аниқланган. Мил. эр. авв. II асдан милодий VIII асргача шаҳар ҳаётининг йирик босқичи ўрганилган. Шаҳристонда қайтадан ҳаёт темурийлар даврида бошланиб XVII аср бошларида батамом тўхтаган (Пардаев, 2000).

Рабодлар. Бу иншоотлар Қалиятепа арки ва шаҳристонини шимол, жануб ва ғарб томондан ўраб турувчи 5 та алоҳида жойлашган тепалардан ташкил топган. Рабодларнинг шарқий томондаги давомий қисми XIX аср охирида темир йўл қурилиши даврида олиб ташланган. Мазкур тепаларни яхлит бир қурилиш иншооти

эканлиги эҳтимоли узоқ бўлганлиги сабабли, илк қурилиш даврий санаси ва ривожланиш босқичлари ҳали тўлиқ ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, шартли равишда уларни алоҳида работлар сифатида рақамланган ҳолда тавсифлашни мақсадги мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-работ шаҳристоннинг шимол томонида 25-30 м.ли мудофаа хандақлари ортида жойлашган бўлиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қисми учбурчаксимон кўринишга эга. Унинг ғарбий томони 115 м.га, жанубий томони 115 м.га, баландлиги 6-7 м.га тенг. Работнинг шимолий ва шарқий томонлари ер ўзлаштириш пайтида қирқиб ташланган. Йўқотилган қисмини ҳам ҳисобга олганда 1-работнинг умумий майдони 2,2 га.дан ортиқ бўлади. Микрорельеф тузилиши бўйича работнинг ғарбий дарвозаси ўрнини аниқлаш мумкин. Работнинг ғарбий қисмида қазув ишлари ўтказилган бўлиб, VII-VIII асрларга оид турар-жойлар, милодий I-VIII асрларга оид мудофаа девори очиб ўрганилган (Пардаев, Убайдуллаев, 2009).

2-работ шаҳристоннинг шимоли-шарқий кунжак томонида, 1-работдан 60-65 м шарқда жойлашган. Ёдгорликнинг жанубий томони йўл қурилиши учун бутунлай қирқиб ташланган. 2-работ ғарбдан шарққа томон чўзилган бўлиб, трапеция кўринишига эга, унинг умумий майдони 0,6 га.ни, баландлиги 3,5-4 м.ни ташкил этади. Ёдгорликнинг жанубий қирқимларида ўтказилган кичик ҳажмли синов қазишмаларида асосан илк ва сўнгги ўрта асрларга тааллуқли маданий қатламлар очиб ўрганилди.

3-работ шаҳристондан 45-50 м масофа ғарбда, Қалиятепа ёдгорлиги марказий ядроси билан параллел, шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган ҳолда жойлашган. Ёдгорликнинг қадимги, дастлабки кўриниши деярли сақланмаган. Ҳозирги ёйсимон шакли ва ўта ўзгартирилган микрорельефидан бирон қурилиш ва иншоот ўрнини англаб олиш жуда мушкул. 3-работ шимол-жануб томонга 300 м, шарқ-ғарб томонга 70-100 м ли ўлчамларга (2,5 га), баландлиги 4,5-5 м.га эга. 60-70 йиллардаги ер ўзлаштириш пайтида 3-работ ҳудудидан сопол хум ва қутисимон остадонлар топилган. Маълум бир тарихий даврда 3-работнинг маълум қисми қалиятепалик оташпараст қавмларнинг “қабристони” (некрополь) бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Шунингдек, работнинг марказий қисмида “Жиловдор ота” номли муқаддас жой ва қабристон ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келаяпти. Жиловдор отага “Пир” сифатида асосан чавандозлар ва йилқиси касалликка чалинган чорвадорлар сиғинишади.

4-работ Қалиятепа шаҳристони шимолий дарвозасининг шундоқ рўпарасида, 2-работдан 35 м жанубда жойлашган. Бу работнинг бошқа работлардан фарқи шундаки, у кўтарма йўл орқали шаҳристоннинг шимолий дарвозасига туташиб кетган. Шаҳристон ва 4-работ учун умумий битта шарқий дарвоза мавжуд. 4-работнинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган қисми квадратсимон шаклда бўлиб, ўлчамлари 75х70 м (0,52 га), баландлиги 8 м.га етади. Ёдгорликнинг шимолий ва шарқий томонлари қирқиб ташланган. 4-работ Қалиятепа шаҳри учун ўзига хос мудофаа бастиони (казимет) бўлиб хизмат қилган бўлиши ҳам мумкин.

5-работ аркнинг рўпарасида, жануб томонда жойлашган бўлиб мазкур ёдгорликнинг тўрт томони ва ҳатто устки қисмида ҳам ер ўзлаштириш ишлари олиб борилган. Работнинг ҳозирги ташқи кўриниши тўғри тўртбурчаксимон шаклда бўлиб, унинг ўлчамлари 230х130 (3 га), баландлиги 4-5 м.ни ташкил қилади. Ёдгорликнинг жанубий қирқимларида ўтказилган қазув текширишлари натижасида

мазкур рабод маданий қатламларидан фақат V-VIII асрларга оид ашёвий далиллар олинди.

2. Қизлартепа. Қалиятепа шаҳар харобаларидан 350 м масофа жанубда, жойлашган. Ёдгорликнинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчаксимон шаклида бўлиб, у ғарб-шарқ йўналиши бўйича 140 м.гача чўзилиб кетган, ғарб томони эни 90м.га, шарқ томони эни 75 м.га (1,2 га), баландлиги 12 м.га тенг. Қирқимлардан олинган бир қанча сопол идиш парчалари V-VII; X-XII асрларга тегишлидир. Қизлартепа ўз умумий майдони ва кўриниши жиҳатдан Жиззах воҳаси шарқий суғориш шаҳобчасида Қалиятепадан кейинги ўринда турадиган ёдгорликдир. Қизлартепанинг энг юқори қурилиш қатламларига оид X-XII асрларга тааллуқли турар-жой комплекси очиб ўрганилган (Пардаев, Убайдуллаев, 2012) (3-расм).

3. Астантепа. Қалиятепадан 250 м масофа ғарбда жойлашган. Ёдгорлик ташқи кўриниш жиҳатидан икки, яъни пастки ва юқори поғонали иншоот бўлиб, унинг баландлиги тахминан 2,5-3 м, ҳажми 20х15 м.ли пастки поғонаси йўл қурилиши даврида бутунлай олиб ташланган. Астантепанинг сақланиб қолган юқори поғона қисми айлана шаклда бўлиб, унинг диаметри 50 м.ни, баландлиги 7,5-8 м.ни ташкил қилади. Тепалик усти ва ён атрофидан терилган асосан қўлда қилинган ва "ўчоқ боши" да ишлатилган сопол идиш парчаларига биноан Астантепа эрамизнинг VI-VIII асрларида фаолият кўрсатган.

4. Комилбоботепа. Қалиятепадан 400 м масофа ғарб томонда, жойлашган. Мазкур ёдгорлик ҳам Астантепага ўхшаб икки поғонали, трапециясимон кўринишда бўлиб, шимол-жануб йўналиши бўйича 115 м.га чўзилиб кетган. Ёдгорликнинг жанубий пастки поғона қисми эни 45 м.га, баландлиги 2,0-2,5 м.га, шимолий юқори поғонаси эни 70 м.га, баландлиги 7 м.га тенг. 1988-91 йилларда мазкур ёдгорликда ўтказилган археологик қазув тадқиқотлари орқали Комилбоботепанинг VII-VIII асрларга тааллуқли турар-жой хоналари ва бошқа моддий маданияти намуналари очиб ўрганилди (Пардаев, 2001) (9-10-расм).

5. Расулбойқултепа. Жиззах шаҳри "Қалия мўлканлик" маҳалласининг шарқий чеккасида жойлашган. Ёдгорлик ташқи кўриниши жиҳатдан тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 70х60 м.ни (0,42 га), баландлиги 10 м.ни ташкил қилади. Расулбойқултепада ўтказилган тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг III-VIII асрларга тааллуқли учта катта қурилиш даври очиб аниқланган (Пардаев, 1992, 108-113 б.).

6. Жумабоватепа (Новвойбоватепа). Қалиятепани жануби-ғарб томонида, Юнусобод кўчаси чеккасида жойлашган. Унинг ҳозирги кўриниши тўғри тўртбурчаксимон ҳолатда бўлиб, ўлчамлари ғарб-шарқ йўналиши бўйича 80 м, шимол-жануб йўналиши бўйича 60 м.га, баландлиги 6 м.га тенг. Жумабоватепада ўтказилган қазув ишлари натижасида унинг даврий санаси VI-VIII асрлар билан белгиланган .

7. Пардақултепа. "Қалия мўлканлик" маҳалласини ўртасида, Оқтепа боши берк кўчасининг адоғида жойлашган. Ёдгорик икки поғонали, тўғри тўртбурчаксимон кўринишда бўлиб, ўлчамлари 70-80 м.га, баландлиги 8 м.га тенг. Пардақултепа марказий иморати унинг ғарбий ва ўрта қисмида жойлашган 25х20 м.ли квадратсимон тепалик остида сақланиб қолган. Ёдгорлик 1986-88 йилларда очиб ўрганилган ва ашёвий далиллар орқали IV-VI асрлар билан даврланган (Пардаев, 1999).

8. Авлиётепа. Қалиятепадан 370 м масофа жануби-шарқда, эски Жиззах-Пахтакор йўли ёқасида жойлашган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 60х40 м.ни, баландлиги 1,5-2 м.ни ташкил қилади. Авлиётепадан эрамизнинг I-II асрларига тааллуқли қизғиш ангоб билан сирланган ва сўнгра силлиқланган нафис идиш бўлаклари, сопол қадаҳ тагдони, биқинида игнабаргсимон нақшлар солинган кўза синиқлари, қозон парчалари ва X-XII асрларга даҳлдор чироғдон топилди. Авлиётепадан 1960 йилларгача қабристон сифатида фойдаланилган.

9. Ропижонтепа. Қалиятепадан 700 м жануби-ғарбда, жойлашган. Ёдгорликнинг ташқи кўриниши квадрат шаклида бўлиб, ўлчамлари 45х45 м.ни, баландлиги 8 м.ни ташкил қилади. Ропижонтепанинг асосий иморатлари қолдиғи унинг марказий қисмида жойлашган квадрат шаклидаги (25х25) алоҳида ажралиб турган тепалик остида сақланиб қолган. Тепа усти ва ён атрофидан топилган сопол идиш парчалари асосан VI-VIII асрларга тааллуқли.

10. Мозортепа. Ропижонтепадан 200 м масофа жануби-ғарб томонда “Сўлоқли” маҳалласининг шимолий чекка қисмида жойлашган. Ёдгорликнинг ташқи кўриниши икки поғонали тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ғарб-шарқ йўналиши бўйича чўзилиб кетган ва ўлчамлари 140х75 м.га, баландлиги 9 м.га тенг. Мозортепа устидан топилган сопол идишларга кўра, ёдгорлик V-VI асрлар билан даврланади.

11. Гўртепа. Пардақултепадан 500 м жануби-ғарбда “Қалия мўлканлик” маҳалласининг ғарбий чеккасида жойлашган. Ёдгорлик икки поғонали, унинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлиб, жануб-шимол йўналиши бўйича чўзилиб кетган. Унинг ўлчамлари 90х70 м.га, баландлиги 8,5 м.га тенг. Гўртепанинг ғарбий қисмида унинг марказий иморатлари комплекси жойлашган бўлиб, мазкур комплекснинг ҳозирги кўриниши квадратсимон тепа шаклида, ўлчамлари 35х28 м. Гўртепадан XX асрнинг 16 йилидан бошлаб қабристон сифатида фойдаланиб келинади. Унинг усти ва ён атрофидан топилган археологик топилмалар V-VIII асрларга тааллуқли.

12. Сийпанчиқтепа. Жиззах тумани, Олмачи қишлоғининг шарқий чеккасида, Қалиятепадан 2,5 км масофа жануби-шарқда катта йўл ёқасида жойлашган. Ёдгорлик ғарб-шарқ йўналиши бўйича чўзиқ айланасимон бўлиб, унинг ўлчамлари 180х140 м.ни, баландлиги 15 м.ни ташкил қилади. Х. Муҳамедов таъкидлашича Жиззах воҳасини ўраб турган Канпирак деворнинг шарқий қисми Сийпанчиқотатепадан бошланиб, жануби-шарққа Равот қишлоғидаги Қўрғонтепа томон йўналган (Муҳамедов, 1961, 53 б.). Ёдгорлик қабрстонга айлантирилган, унинг устидан топилган сопол идишлар VI-VIII, X-XII асрлар билан даврланади.

13. Қоровулмозортепа. Гўртепадан 600 м шимоли-ғарбда, “Дўстлик” шоҳ кўчаси ёқасида жойлашган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчак кўринишида бўлиб, шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган. Унинг ҳозирги сақланиб қолган ўлчамлари 70х30 м.ни, баландлиги 1,5-3 м.ни ташкил қилади. Тепадан 1970 йилларга қадар қабристон сифатида фойдаланилган. Кейинчалик у турли қурилишлар ўртасида қолиб кетган ва ҳозирги кунда ташландиқ ва хароб аҳволда.

14. Атагантепа. Жиззах туманига қарашли Беклар қишлоғи ҳудудида жойлашган. Атагантепа ғарб-шарқ йўналиши бўйича 120 м.га чўзилиб кетган бўлиб, унинг шимол томони узунлиги 90 м.га, жануб томони 70 м.га, баландлиги 5-6 м.га тенг. Ёдгорликнинг жанубий қисми бульдозер билан қирқиб ташланган. Бу



1. Қалиятепа



1,1. Қалиятепа. Арк. Турар-жой хоналари



2. Қизлартепа



3. Астантепа



4. Комилбоботепа



5. Расулбойқултепа



6. Жумабоватепа



7. Пардақултепа



11. Гўртепа



15. Ёқуббоботепа

қирқимларда пахса девор, кул қатлами, ўчоқ каби моддий маданият қолдиқлари қайд этилди. Йиғилган ашёвий топилмаларга асосланиб, Атагантепани VI-VIII асрлар билан даврлаш мумкин.

15. **Ёқуббоботепа**. Пардақултепадан 600 м жануби-ғарбда, “Қалия мўлканлик” маҳалласининг жанубий қисмида жойлашган. Ёдгорлик икки поғонали, ҳозирги кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг марказий иморатлари шимоли-ғарб қисмига қурилган. Ёқуббоботепанинг шимолий томони 100 м.га, ғарбий томони 110 м.га, шарқий томони 120 м.га, жанубий томони 80 м.га, биринчи поғонаси баландлиги 3-4 м.га, иккинчи поғонаси баландлиги 12 м.га тенг. 2012-2014 йилларда Ёқуббоботепанинг марказий қисмида унинг сўнгги қурилиш даврига оид 10 га яқин турар-жой хонаси очиб ўрганилди ва топилган кулоллик маҳсулотларига асосан бу маданий қатламлар VII-VIII асрлар билан даврланди (Пардаев, Ғофуров, 2013, 9-10-расм).

16. Химонтепа. Ёқуббоботепадан 1,2 км жануби-ғарбда Жиззах туманига қарашли Хайробод қишлоғининг шимолий чеккасида турар-жой хонадонлар ўртасида жойлашган. Ёдгорлик икки поғонали, трапециясимон кўринишда бўлиб, ғарб-шарқ йўналиши бўйича 200 м.гача чўзилиб кетган. Унинг ғарбий томони узунлиги 145 м.га, шарқий томони 90 м.га, биринчи поғонаси баландлиги 6-7 м.га, иккинчи поғонаси баландлиги 20 м.га тенг. 1979 йил Жиззах отряди томонидан ёдгорликнинг ғарбий қисмида 5,5х3,5 м ўлчамда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилган. Ер сатҳигача умумий баландлиги 6,5 м бўлган маданий қатламлардан V -VIII, IX-XII асрларга оид моддий маданият ашёлари олинган.

17. Оқтошбова. Қалиятепадан 850 м масофа шарқда, Жиззах туманига қарашли Тўптолобод қишлоғининг жанубий қисмида жойлашган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчаксимон кўринишда бўлиб, унинг ўлчамлари 100х70 м.ни баландлиги 1,5-2 м.ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ёдгорлик муқаддас қадамжой сифатида фаолият кўрсатмоқда, маҳаллий аҳоли у ердаги мавжуд оқ тошга сиғинади. Оқтошбова устида XVII-XIX асрларга тааллуқли сопол идиш бўлакларини кўплаб учратиш мумкин.

18. Эгизтепа. Оқтошбовадан 700-750 м жануби-шарқда, Тўптолобод қишлоғининг чеккасида жойлашган. Ёдгорлик иккита алоҳида жойлашган, тўғри тўртбурчаксимон тепадан иборат бўлиб, биринчисининг ўлчамлари 50х30 м.ни, баландлиги 2-2,5 м.ни ташкил қилади. Эгизтепанинг усти текис, бирон-бир қурилиш излари қолдиғини унинг ер сатҳи бўйича аниқлаш қийин. Йиғилган бир

қанча тасодифий топилмаларга биноан Эгизтепани илк ўрта асрларга (VI-VIII) оид ёдгорлик деб тахмин қилиш мумкин.

19. Кўкрават. Қалиятепадан 7-8 км масофа шимол тарафда, Жиззах тумани Қўрғонтепа мавзейида жойлашган. Ҳозирги кунда унинг тўғри тўртбурчаксимон кўринишда сақланиб қолган марказий қисмининг ўлчамлари 40х30 м.ни, баландлиги 3 м.ни ташкил қилади. 1975 йилда ёдгорликни тадқиқ қилган Ў. Алимовнинг маълумотига кўра, Кўк работтепанинг шакли квадрат кўринишда, ўлчамлари 65х65 м.га тенг бўлган. Ёдгорлик усти ва ён атрофидан IX-XI асрларга тааллуқли сирланган ва сирланмаган гулдор идишлар парчалари, топилмалар ҳамда квадрат шаклдаги бутун пишган ғишт (20х20х4, 21х21х4 см) намуналари тўпланди. Бизнинг фикримизча, Уструшона афшини Ковуснинг ўғли Ҳайдар томонидан IX асрнинг биринчи чорагида қурилган машҳур Худайсар работи мазкур Кўкрават ёдгорлиги ўрнида бўлган.

Ўрда суғориш шаҳобчаси ёдгорликлари

Мазкур суғориш шаҳобчаси Жиззах шаҳрининг марказий, шимолий ва ғарбий қисмида вужудга келган. Араб истилосидан кейинги даврда Қалиятепадаги мавжуд шаҳар ҳаёти Ўрдага кўчган ва XIX асрнинг 60-йилларига қадар давом этган. Ўрданинг атрофида ўнга яқин асосан илк ва ривожланган ўрта асрларга оид ёдгорликлар жамланган. Мазкур суғорма деҳқончилик ҳудуди Ўратепалик, Тошкентлик, Чўл-Мўлканлик, Ховослик, Эрони ариқлари орқали сув билан таъминланган. Бу ариқлар Сангзорда қурилган Бешқувур сув айирғичидан бош олган.

20. Ўрда шаҳар харобалари. Қалиятепадан 6 км шимоли-ғарбда, Жиззах шаҳрининг “Эски шаҳар” мавзейида жойлашган. 1970 йиллар ўртасида Ўрдада “Хотира” ёдгорлик комплекси қурилиши натижасида унинг аввалги табиий кўриниши йўқ қилиб юборилган. М. Исҳоқов илмий ҳисоботидаги маълумотлар бўйича Ўрданинг бузилишига қадар бўлган микрорельефи шаҳар ёдгорлиги харобаларига хос бўлиб, майдонлар, маҳаллалар ва ундаги ҳовузлар ўрни аниқ ажралиб турган. Шунингдек, пишиқ ғиштдан кўтарилган ўрта аср сардобаси ўрни ҳам аниқланган. М. Исҳоқовнинг ёзишича, Ўрдадан топилган ашёвий буюмлар IX-XII, XIV-XV, XIX-XX асрларга тааллуқлидир (Исхаков, 1979). Ўрда хусусидаги маълумотларни тўлдириш мақсадида қилган саъй-ҳаракатларимиз туфайли шаҳар фаолиятининг сўнгги босқичдаги топографик плани ва унга дахлдор бир қанча фотосуратлар топилди. Мазкур топографик план бўйича Ўрда шаҳри тўғри тўртбурчаксимон кўринишга эга бўлиб, у шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган. Квадратсимон шаклдаги шаҳар арки ўртада жойлашган. Шаҳарнинг тўрт томони маълум масофада ҳарбий буржлари бўлган мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Деворнинг ташқи томонида хандақлар ўрни қайд қилинган. Юқорида эслатилган фотосуратларда Ўрданинг пахсадан кўтарилган кунгирадор мудофаа деворлари ва арча ёғочидан ишланган ўймакор дарвозалари акс эттирилган. Топографик план бўйича Ўрданинг дарвозаси учта бўлган: шимолий, жанубий ва шарқий. Сони ва томонлари жиҳатидан Ўрда дарвозалари Қалиятепа дарвозаларининг айнан ўзидир. Жиззахлик оқсоқолларнинг айтишларича, унинг атрофидаги маҳаллалар номига нисбат берилиб – “Жиззахлик”, “Ховослик” ва “Ўратепалик” номлари билан аталган.

Ўрда ва унинг атрофидаги жойларни ўрганиш, сопол буюмлар тарқалган чегараларни аниқлаш, сўраб-суриштириш ва буларни топографик планга солиштириш орқали ёдгорликни майдони ва сарҳадларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Фикримизча, номаълум топограф томонидан чизилган Ўрда плани 1:500 ўлчамда чизилган бўлиб, у ҳолда XIX асрнинг 2-ярмидаги Ўрда томонлари ўлчами 1100х900 м.га, арк ўлчами 300х200 м.га тенг бўлган.

Ушбу рақамлардан келиб чиққан ҳолда Ўрданинг умумий майдони деярли 100 га, арки 6 га бўлган деб айтиш мумкин. 1867 йилда Жиззахга ташриф буюрган А.П. Федченко унинг аҳолисини 5000 кишидан ортиқ деб ёзади. Тадқиқ этилган Ўрда майдони ва унинг атрофидаги “Заргарлик”, “Мискарлик”, “Темирчилик”, “Кулоллик”, “Кўнчилик”, “Қаландархона” каби маҳаллалар сони А.П. Федченко кўрсатган маълумотга тўла-тўкис мос келади. Археология фани нуқтаи назаридан эса ўрганилган Ўрда топографияси ҳар ҳолда XIX асрннг 2-ярмига тааллуқли эканини эсда тутиш керак.

21. Каттатепа. Ўрдадан 1,1 км шимоли-ғарбда, “Яхтанлик” маҳалласида жойлашган. Ёдгорлик икки поғонали бўлиб, унинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 220х170 м.ни, биринчи поғонаси баландлиги 5-6 м.ни, иккинчи поғона, яъни марказда жойлашган қўрғон баландлиги 9-10 м.ни ташкил қилади. Кўп сонли сопол идишлар парчалари ёдгорликни араб истилосидан аввал VI-VIII асрларда бунёд этилганидан ва иккинчи қурилиш даври XI-XII асрлар билан даврланишидан гувоҳлик беради. Айни пайтда ёдгорликдан қабристон сифатида фойдаланилмоқда.

22. Саройликтепа. Ўрда шаҳри харобаларидан 1,5 км масофа шимоли-ғарбда, Жиззах шаҳрининг шимолий чеккасидаги “Саройлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган. Тепа икки поғонали ёдгорликлар тоифасига мансуб бўлиб, тўғри тўртбурчаксимон кўринишга эга. Ёдгорлик марказида унинг асосий иморатлари, яъни қўрғони жойлашган. Қўрғоннинг ҳозирги кўриниши айлана шаклда бўлиб, диаметри 60 м.ни ташкил қилади. Саройликтепанинг умумий ўлчамлари 160-140 м.га, биринчи поғонаси баландлиги 4-5 м.га, иккинчи поғонаси баландлиги 10-11 м.га тенг. Ёдгорликдан айни пайтда қабристон сифатида фойдаланилмоқда. Уни усти ва ён атрофидан топилган сопол идишлар парчалари V-VIII, IX-X асрларга тааллуқли.

23. Илонлитепа. Ўрдадан 2,5 км шимолий-ғарбда, Жиззах тумани ҳудудида жойлашган. Мазкур тепа Ўрда тасарруфидаги энг йирик ёдгорликлардан бири бўлиб, шакли тўғри тўртбурчак кўринишига эга. Илонлитепа ҳам икки поғонали, унинг марказий қўрғони ёдгорлик ўртасида жойлашган бўлиб, у квадрат шаклда, ўлчамлари 70х70 м га, баландлиги 5 м. га тенг. Ёдгорликнинг умумий ўлчами 150 х130 м.ни, биринчи поғонаси баландлиги 3,5 м.ни ташкил қилади. Микрорельеф бўйича Илонлитепанинг айлана мудофаа девори ва иккита шарқий ва жанубий дарвозаларини кузатиш мумкин. Ёдгорлик устидан йиғилган сопол буюм парчалари VI-VIII; X-XII асларга тааллуқлидир. Илонлитепадан айни пайтда қабристон сифатида фойдаланилмоқда.

24. Сигиртепа. Ўрдадан 3,2 км масофа шарқ томонда, Жиззах тумани “Учқаҳрамон” турар-жой мавзейсининг Қўшбармоқ қишлоғида жойлашган. Ёдгорлик ташқи кўриниши айлана шаклда бўлиб, диаметри 30 м. ни, баландлиги 3,5 м. ни ташкил қилади. Сигиртепани шарқий қисми йўл қурилиши даврида қирқиб ташланган. Қирқимларда пахса девор, кул, хом ғишт парчалари қолдиғи сингари



20. Урда



21. Каттатепа



24. Сигиртепа

маданий қатламлар яққол кўриниб турибди. Йиғилган сопол идишлар парчалари VII-VIII асрлар билан даврланади.

25. Калонтепа. Ўрдадан 2,8 км масофа шарқ томонда, Жиззах туманига қарашли Қўшбармоқ қишлоғи ўртасида жойлашган. Ёдгорлик кўриниши айлана шаклда бўлиб, унинг диаметри 45 м.ни, баландлиги 1,5-2 м.ни ташкил қилади. Ашёвий далилларни йўқлиги сабабли тахминий даврий санаси номаълум.

26. Тоштепа. Ўрдадан 6,1 км шимолий-шарқда, Жиззах тумани Навоий СФУ ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик айлана шаклда, диаметри 55 м, баландлиги 4,5 м. Даврий санаси номаълум.

27. Номсизтепа. Ўрдадан 1,3 км масофа жануб томонда, “Сайилжойи” деб аталадиган мавзейда, Жиззахлик ариғининг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик шаклан квадратсимон кўринишда бўлиб,ўлчамлари 45х38 м.ни, баландлиги 2,-2,5 м.ни ташкил этади. Микрорельефга асосан тепа айлана девор билан ўраб олинган.Тепанинг усти ботиқ ҳовузсимон шаклда бўлиб, унинг чуқурлиги 0,8-1,2 м.га тенг. Ёдгорлик даврвозасини жануб томонда деб тахмин қилиш мумкин. Топилган ашёвий далилларга асосланиб, Номсизтепани VI-VIII; X-XII асрлар билан даврлаш мумкин.

28. Молтоптепа. Шаҳар харобалари Ўрдадан 3,8 км жануби-ғарбда, Жиззах туманига қарашли Молтоп қишлоғида, тоғолди ҳудудида, баланд адир устида жойлашган. Ёдгорлик ҳар хил ўлчамдаги учта қурилиш мавзейидан иборат.

I - қурилиш мавзейи фикримизча, ёдгорликнинг арки бўлиб, у тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 100х80 м, баландлиги 6 м. Арк тўрт тарафдан хандақлар билан ўраб олинган.

II-қурилиш мавзейи шаҳристонга дахлдор бўлиб аркнинг ғарбий томонида, ўлчамлари 300х200 м.га, баландлиги 4,5-5 м.га, ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак кўриншига эга.

III-қурилиш мавзейи трапециясимон шаклда бўлиб, 160х60х40 м. ўлчамга, 3,5-4 м баланддикка эга.

Бизнинг фикримизча, мазкур ёдгорлик тормикрорельефи шарт-шароитларидан фаол ва муваффақиятли фойдаланган ҳолда қурилган шаҳар бўлиб, бу омиллар билан Сабат рустоқи марказий шаҳри Култепа ёдгорлигига жуда ўхшаб кетади.

Ёдгорлик устидан 27х27х4,5-5 см қолипдаги пишган ғиштлар ва VI-VIII; XVI-XIX асрлар билан даврланувчи сопол буюмлар коллекцияси топилди.

29. Муллатепа. Ўрдадан 4,3 км жануби-шарқда Жиззах туманига қарашли “Шариллоқ” қишлоғининг шарқий чеккасида, пахта майдони ўртасида жойлашган. Ёгорлик тўғри тўртбурчаксимон шаклда бўлиб, шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган, ўлчамлари 110х90-80 м.ни, баландлиги 9 м.ни ташкил қилади. Бизнинг фикримизча, ёдгорлик номи булоқ, чашма каби сув манбалари кўзини, ҳовуз ва қудуқларни усти ихота қилинганини билдирадиган “мўла” сўзидан олинган. Йиғилган ашёвий далилларга асосланиб Муллалитепа даврий санаси VI-VIII асрлар билан ўлчанади.

30. Мозортепа. Сайхонсойдарасига кириш жойда, сойнинг ўнг қирғоғида, Сайхон қишлоғининг шимоли-ғарб томонида, баланд адир устида жойлашган.

Тепа ғарбдан шарққа 60 м масофага чўзилиб кетган, унинг жануб-шимол йуналишидаги ғарбий эни 40 м.ни ташкил қилади. Ёдгорлик икки поғонали бўлиб, энг баланд ғарбий қисми 5 м.га, энг паст шарқий қисми 2,5 м.га тенг. Тепалик ҳозирги пайтда қабристон сифатида ишлатилмоқда. Топилган сопол буюмларга қараб унинг тахминий даврини VI-VIII асрлар билан белгилаш мумкин.

31. Такатош петроглифлар галереяси Жиззах тумани, Сайхон қишлоғидан 2,5-3 км ғарбда, Моргузарнинг шарқий қисмидаги Такатош дарасида жойлашган. Ибтидоий давр рассомлари томонидан қоятошларга ўйиб чизилган бу илк тасвирий санъат намуналарида турли ҳайвонлар – оҳу, буғу, архар, от, қорамол, қоплон, ит тасвирлари, одамлар уларни оломон бўлиб ов қилиши, диний маросимлар талқини акс эттирилган.

М. Хўжаназаров тадқиқотлари натижаларига кўра,Такатош дарасидаги суратлар уч гуруҳга ажралади ва уларнинг даврий санаси милоддан аввалги III мингинчи йилдан милоднинг биринчи минг йиллигигача бўлган катта даврий санани ўз ичига олади (Хужаназаров, 1985, 10-11 с.).

Такатошни 1991 йилда қайтадан тадқиқ этган Жиззах отряди томонидан дарага кириш жойда, Сайхонсойнинг ўнг қирғоғидаги қора гранит қояда якка ҳолда чизилган Бухоро оҳуси расми топилди. Расм реал ҳолда, моҳирлик билан чизилган. Оҳунинг олдинги ўнг оёғи эгик ҳолда кўтарилган, боши хиёл пастга энгашган. Бундай ҳолда тасвирланган оҳуларни XV-XVI асрларда чизилган шарқ миниатюраларида кўплаб учратиш мумкин. Шу боисдан, Такатош қояларига сўнгги ўрта асрларда ҳам суратлар чизилган деб хулоса чиқариш мумкин.

Қили дарёсиархеология ёдгорликлари

На протяжении всего существования здания его планировочная структура оставалась неизменной, незначительным перестройкам и ремонтам подверглись лишь отдельные компоненты. На раннем этапе (пол 3) внутреннее пространство обустраивалось основательно: полы ровные, в нескольких местах были сделаны аккуратно оштукатуренные ямы для хранения продуктов. В помещении 304 сооружен квадратный в плане очаг размером 1,6×1,5 м с круглой лункой-углублением в центре диаметром 12 см, заполненной золой. Обращенное на северо-восток устье очага по углам было оформлено круглыми сырцовыми колонками диаметром 8 см. Представляет интерес найденное под полом 3 помещения 301 детское захоронение (рис. 6, *1*). Еще одно погребение – молодого барана – было обнаружено под тем же полом 3, но в помещении 306 (рис. 6, *2*).

На среднем этапе (пол 2) внутренние стены стали тоньше, некоторые проходы между помещениями были заложены, наращивались пороги, обустраивались многочисленные хозяйственные и бытовые ямы. Но на полу 2 лежит внушительный слой завала, образовавшегося, как можно судить по его странному виду, не постепенно, в течение многих лет, а внезапно, что, вероятно, следует объяснить землетрясением. В данном случае мы не видим привычного в археологической практике однородного сочетания завала с оплывом – того, что обычно происходит с остатками сырцовых зданий. Об усилении сейсмической активности в этот период косвенно свидетельствует пристройка по уровню пола 2 контрфорса в помещении 210. Возможно, разрушения и изменения окружающей среды, связанные с землетрясениями, послужили

Молали - 2012



1



2

Рис. 6. 1 – детские захоронение под полом 3 в пом. 301;
2 – захоронение ягненка под полом 3 в пом. 306



Рис. 7. Печь в 300 м к востоку от Молали



Рис. 8. Центральный глиняный диск




Рис. 9. План и разрез печи

главными причинами, по которым поселение пришло в упадок и окончательно заброшено.

В 300 м к юго-востоку от раскопа, в обрыве террасы правого берега Кизылджара У.В. Рахманов обнаружил не имеющую аналогов уникальную печь сложной конструкции (рис. 7). Её GPS координаты 38º 03,840' северной широты, 67º 42,132' восточной долготы, высота около 400 м над уровнем моря. Сооружение состоит из двух частей – наземной и подземной/ Верхняя часть имеет цилиндрическую форму с глиняным диском в центре пода (рис. 8), вдоль стенок печи имеются восемь жаропроводящих продухов. Диск также снабжен восемью отверстиями, которые для регуляции необходимого уровня жара можно было закрывать глиняными пробками. В подземной части все каналы соединялись, что обеспечивало непрерывную циркуляцию разогретого воздуха (рис. 9). Подобная конструкция представляет собой сложнейшее устройство наподобие тандыра, но, в отличие от последнего, с замкнутой системой циркуляции жара и регуляции температуры, напоминая современные духовые шкафы. Запекшееся в центре глиняного диска аккуратное круглое пятно позволяет пред-

положить, что оно оставлено днищем крупного котла, в котором, собственно, и приготовлялось что-то, требовавшее ровного и постоянного жара, т.е. узкого диапазона температур. Судя по количеству обмазок на стенках печи, она использовалась всего 2 –3 раза, после чего была заброшена.

Находки

При раскопках поселения Молали были найдены разрозненные бусы из сердолика, агата, бирюзы, ляпис-лазури, стеклянной пасты и глазурованной под фаянс керамики. Размеры их от 5 до 10 мм, диаметр от 3 до 5 мм.

Собрано незначительное количество обломков и мелких предметов из меди: обломок крученой проволоки, фрагмент булавки, половинка пластины с отверстиями для крепления, кусочки окисленного металла или руды. В детском захоронении под полом 3 помещения 301 былb рассыпаны медные цилиндрические бусы, изготовленные из свернутых в трубочку пластинок. Имеются два миниатюрных изделия, одно из которых, полукольцо, по форме похожее на полумесяц, аналогично серьгам из небезызвестного поселения культуры архаического Дахистана Изаткули (Мурадова, 1991, с. 126, рис. 47, 8) и знаменитого могильника Марлик (Piller, 2008, с. 285, табл. VIII, 1-3). Изаткули находится на юго-западе Туркменистана, Марлик - на северо-востоке Ирана, но оба эти памятника принадлежат одной общности - культуре черно-серой керамики, которую иногда называют марликской.

Особого внимания заслуживает найденный на полу 3 в помещении 311 обломок литейной формы, изготовленной из красновато-коричневого песчаника и предназначенной для отливки кельта-лопатки (рис. 10). Сохранившиеся размеры 12×13 см, толщина 4,5 см.

Предметы из кости представлены лощилом, пряслицем уплощенно-полусферической формы, фрагментом обработанной трубчатой кости, пластинками из спилов костей животных и скобелем, сделанным из ребра коровы.

Каменные изделия и орудия труда являются одной из самых многочисленных групп находок на поселении Молали. Обычно это обломки сработанных зернотерок ладьевидной формы, оселки, шаровидные терочники и удлиненно-овальные куранты. Типичны ядра для пращи, имеющие биконическую или яйцевидную форму, размером 5-6×3,5-4 см, весом от 40 до 80 г. Поверхность их тщательно отшлифована. На полу 3 в помещении 311 обнаружен обломок каменной мотыги размером 14×7 см (сечение 2 см) со сработанным рабочим краем.



Рис. 10. Литейная форма для отливки кельта лопатки

Керамический материал из раскопок поселения Молали представлен, в основном, типичными для позднего периода Бактрийско-Маргианского археологического комплекса (БМАК) сосудами – вазами, чашами, мисками, горшками, хумами и котлами (рис. 11–15), типология которых давно разработана А.С. Сагдуллаевым в специально посвященной этому вопросу статье (Сагдуллаев, 1989. С. 9–13). Автор, сравнивая материалы из Молали и Джаркутана, уже тогда обратил внимание на отличительные черты молалинского комплекса, в частности,




Рис. 11. Керамика с пола 1, последний этап поселения Молали

широкое употребление красного ангоба с лощением и, пожалуй, присущие только Молали сосуды с ручками (Сагдуллаев, 1989. С. 14-15. С. 16, 4-5).

Продолжая эту мысль, можно заметить, что, действительно, при раскопках поселения были обнаружены и сосуды с ручками, и довольно большое количество красноангобированной керамики с полосчатым лощением, однако этим не исчерпывается уникальность молалинского комплекса. Обращает на себя внимание красноангобированная ножка сосуда-трипода (пол 1) с прочерченным по сырой глине орнаментом в виде «ёлочки» (рис. 11, *18*). Подобная форма характерна для марликской культуры Ирана и Туркменистана, как и чёрно-серая керамика, в немалом количестве обнаруженная на всех трёх полах Молали. Также для всех трёх этапов жизни поселения характерно наличие керамики типично «степного» облика, с орнаментом в виде косых линий, ёлочек и треугольников, заполненных насечками (рис. 12, *35*; рис. 13, *35*). Отдаленные аналогии для неё имеются в материалах андроноидной бегазы-дандыбаевской культуры Центрального Казахстана эпохи поздней бронзы (Маргулан, Акишев, Кадырбаев, Оразбаев, 1966. С. 250, табл. XLV; с. 254, табл. XLIX). Прямые аналоги можно найти в комплексе керамики из знаменитых мавзолеев Северного Тагискена, сходство с которым, однако, не ограничивается только набором посуды. Довольно давно М.А. Итина и Л.Т. Яблонский обратили особое внимание на признаки земледельческих культур Юга, во множестве обнаруживаемые в археологических материалах Северного Тагискена. Это и применение в строительстве мавзолеев сырцового кирпича, причём типично молалинского размера и стандарта, и находки «южной» станковой керамики, и наличие в Тагискене южного антропологического компонента (Итина, Яблонский, 2001, с. 104–106). В свою очередь, как мы




Рис. 12. Керамика с пола 2, средний этап поселения Молали




Рис. 13. Керамика с пола 3, ранний этап поселения Молали

видим, признаки проникновения степных культур Севера, может быть, пока не столь многочисленные, явно присутствуют в материалах раскопок поселения Молали.

Таким образом, археологический комплекс Молали является типичным для дашлы -сапаллинской культуры (БМАК), но выделяется среди прочих памятников этого




Рис. 14. Керамика с пола 3, ранний этап поселения Молали

круга присутствием ещё двух компонентов: культуры серой керамики Северо-Восточного Ирана и Юго-Западного Туркменистана (марликская культура), а также «степной» культуры типа бегазы-дандыбаевской Центрального Казахстана. Показа-




Рис. 15. Керамика с пола 3, ранний этап поселения Молали

тельно, что около середины II тыс. до н.э., т.е. примерно тогда, когда поселение Молали было окончательно заброшено, именно эта «триада» культур появляется на северо-западе полуострова Индостан.

В заключение необходимо подчеркнуть, что археологический комплекс поселения Молали отличается от комплекса могильника Молали, раскопанного в 1970 г. Памятники, получившие одно название и давшие имя одному из периодов дашлысапаллинской культуры, хоть и расположены относительно рядом (2 км), по времени, вероятнее всего, сменяют друг друга. Поселение Молали, предположительно, несколько моложе одноименного могильника, радиоуглеродный анализ десяти образцов (2 σ) позволяет датировать поселение концом XVI – началом XV в. до н.э.

Использованная литература:

Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде // Из истории античной культуры Узбекистана. Ташкент, 1973.

Итина М.А., Яблонский Л.Т. Мавзолеи Северного Тагискена. Поздний бронзовый век Нижней Сырдарьи. М., 2001.

Маргулан А.Х., Акишев К.А., Кадырбаев М.К., Оразбаев А.М. Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1966.

Мурадова Э.А. Поселения архаического Дахистана. Ашхабад, 1991.

Piller C.K. Untersuchungen zur relativen Chronologie der Nekropole von Marlik. Dissertation an der Fakultät für Kulturwissenschaften der Ludwig-Maximilians-Universität München. München, 2008.

Пугаченкова Г.А. Новый памятник древнебактрийской культуры // УСА. Вып. 1. Л., 1972.

Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. Сборник статей. Отв. редактор О.В. Обельченко. Ашхабад, 1978.

Сагдуллаев А.С. К изучению поселения Муллали // Краеведение Сурхандарьи. Сборник статей. Под редакцией Э.В. Ртвеладзе. Ташкент, 1989. С. 8–19.

Сарианиди В.И. Раскопки монументальных зданий на Дашлы-3 // Древняя Бактрия. Вып. 3. Материалы Советско-Афганской археологической экспедиции. М., 1984. С. 5–32.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

ТРИБУНА МОЛОДОГО ИССЛЕДОВАТЕЛЯ

YOUNG RESEARCHER TRIBUNE

УДК: 902.6. (575)

ИЛК ЎРТА АСР СУҒД ТУРАР-ЖОЙ ҚУРИЛИШ АНЪАНАСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

© 2014. С. Кубаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти

Калит сўзлар: Илк ўрта аср, турар жой, хом ғишт, пахса,пахса блок, пишиқ ғишт, “хан-ту”, Шань-Инь, платформа, суфа, хона поллари.

В статье описываются строительные приемы жилых помещений Согда в эпоху раннего средневековья. Как известно, в период раннего средневековья Согд был одним из высокоразвитых культурных центров Центральный Азии. В строительной культуре жилых помещений раннесредневекового Согда появляется своеобразная традиция строений каждого элемента комплекса. В появлении данной традиции большую роль играло использование строительных материалов. В статье описывается именно это развитие использования строительных материалов на примере некоторых частей жилых помещений.

S. Kubaev

In article the building culture of premises of Sogd in an epoch of the early Middle Ages is described. As it is known, in the early Middle Ages Sogd was one of the advanced cultural centres in Central Asia. One of numerous elements of such progress is the building culture of premises. In building culture of premises there is an original tradition of structures of each element of a complex. In occurrence of the given tradition the big role played of developments of successful use of building materials. These developments of use of building materials on an example of some parts of premises are described in the article.

Илк ўрта аср Суғд турар-жой қурилиш маданияти узоқ асосларга эга бўлиб, унинг ривожланишида миллий анъаналар ва инновцион янгиликларнинг ўзига хос ўрни бор. Мазкур омилларнинг ўзаро қоришуви натижасида илк ўрта аср Суғд турар-жой қурилиш маданияти шаклланади. Бу анъана бино учун жой танланишидан бошланиб, то унинг устки қисми ёпилгунгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

Илк ўрта аср шаҳарларида турар-жой учун жой танланиши биринчи навбатда уй хўжайнининг ижтимоий-иқтисодий даражаси ва молиявий қудрати, сўнгра унинг касбидан келиб чиққан. Масалан, баъзи-бир савдогарлар бозорлар ва серқатнов шоҳ кўчалар атрофидан уй қуришга ҳаракат қилишган. Кейинги қурилиш жараёнида суғдлик қурувчилар ўз тажрибаларини ошириб боришиб, янги иновацион усулларни қабул қилиб, қурилишда улардан фойдаланишган.

Турар-жой асоси: Марказий Осиё қурилиш маданиятида бинолар одатда платформа ва пойдевор устига қурилган. Мустаҳкам платформа илк ўрта аср Суғд қурилиш маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, унинг аҳамияти жуда катта бўлган. Платформа биринчи навбатда қурилиш олиб борилаётган жой рельефи сатҳини текислаб олиш имконини берган[1]; иккинчидан, у бино деворларини турли табиий офатлар: захлик, ер силкинишидан сақлаган. Бундан ташқари платформаларнинг яна бир вазифаси бинога улуғворлик бағишлашдир. Шу боис ҳукмдорлар саройи учун жуда баланд

1. Шу боисдан баъзан бир қисми табиий жойда, иккинчи қисми платформа устида қурилган ёдгорликлар ҳам учрайди. Жумладан, Юқори Зарафшонда жойлашган Қум ёдгорлиги (Якубов, 1988).

платформалар тайёрланган. Бундай платформалар ҳукмдорнинг ўзига хос қўрғони бўлган саройни лаҳмлардан ҳам ҳимоя қилган.

Платформа учун ҳам асосий қурилиш материали пахса ва хом ғишт ҳисобланган. Пахсадан тайёрланган платформалар Суғднинг деярли барча ҳудудларида учрайди. Хусусан, Афросиёбда олиб борилган тадқиқотларда бундай пахса платформа кўпгина қазишмаларда қайд этилган. Масалан, ёдгорликнинг шарқий томонида, ҳозирги Самарқанд тарихи музейи ўрнида олиб борилган қазишмада 6 м чуқурликда илк ўрта асрларга оид турар-жой қолдиқлари қайд этилган. V-VII асрлар билан саналанган бино тозаланиб ўрганилганда у 1 м баландликдаги платформа устига тикланганлиги маълум бўлган (Садиев, 1973. С. 100). Бундай платформа “ихшидлар саройи” топилган машҳур 23-қазишмада ҳам қайд этилади. Мутахасислар фикрича, сарой ўрнида ўз вақтида донжонли қўрғон мавжуд бўлган. Ушбу қўрғон пахса деворлари мустаҳкам бўлганлиги туфайли усталар уларни сарой қурилишида бино асоси сифатида қолдиришган (Ахунбабаев, 1999. С. 21-23).

Марказий Суғднинг яна бир марказларидан бири Панжикентда ҳам пахса платформалардан кенг фойдаланилган. Бу ҳақда кўплаб тадқиқотчилар қайд этиб ўтганлар. Уларнинг маълумотига кўра, VI аср охири - VII аср бошларида шаҳарда кенг кўламда бошланган қурилишлар даврида, янги бинoларга жой тайёрлаш мақсадида, қурувчилар пахса ва пахса блокдан кенг, баланд платформалар тайёрлаганлар (Распопова, 1990. С. 169).


Турар-жойлар қурилишида пахса платформа билан биргаликда хом ғиштдан ҳам мустаҳкам платформалар тайёрланган. Бундай платформалар ҳам кўп бора қайд этилган. Жумладан, Гардани-Ҳисор саройи платформаси тўлиқ хом ғиштдан қурилган (Якубов, 1988. С. 99). Илк ўрта аср Ғарбий Суғднинг яхши ўрганилган ёдгорлиги Варахшада хом ғиштдан платформа тайёрлашнинг умуман ўзига хос услубидан фойдаланилган (Шишкин, 1963). Бу анъана аркни ўрганиш давомида қайд этилган. Аркнинг ғарбий қисми ўзига хос бўлиб, сунъий тарзда баландлиги 15 метрга кўтарилган. Бу қурилишнинг ўзига хос томони шундаки, у муайян тартиб асосида қурилган: дастлаб хом ғиштдан мустаҳкам деворлар қилиниб, уларнинг ораси ғишт синиқлари ва лой гувалалар билан 25-30 см қалинликда тўлдирилган ва шу тарзда мустаҳкам платформа тайёрланган (Шишкин, 1963. С. 85).

Демак, илк ўрта асрда Суғд қурилишида бино платформаларининг қуйидаги турлари қайд этилган:


1. Монолит пахса ёки пахса блоклардан қилинган платформа (1 расм).
2. Тўлиқ хом ғиштлардан қилинган платформа (2 расм).
3. Пахса ва хом ғиштдан биргаликда тайёрланган платформа (3 расм).
4. Хом ғишт ва пахсадан деворлари терилиб уларнинг орасига нам тупроқни зичлаш йўли билан тайёрланган платформа (4 расм).

Пойдевор. Пойдевор илк ўрта асрларда кенг кўламда тарқалмаган. Фақатгина баъзи бир қазишмалардагина қайд этилган. Панжикент харобаларининг 5-объектида олиб борилган тадқиқотлар давомида қайд этилган VII-VIII асрларга оид турар-жой деворлари пахса блоклардан қурилиб, пахса блоклар остида хом ғиштдан қилинган девор пойдевори қайд этилган (Ставиский, 1953. С. 62). Панжикентда VIII аср бошларига келиб дастлабки пойдеворлар кузатила бошланган. Бу ҳақда 16-объектда олиб борлиган тадқиқотлар тасдиқлайди. Бу ерда қайд этилган турар-жой комплекси хона деворлари остига пойдевор терилган. Пойдевор дарё тошидан қилинган (Беленицкий и др., 1984. С. 235).


Деворлар: Суғд қурувчилари асосий қурилиш материали бўлган пахса ва хом ғиштдан жуда усталик билан фойдаланишган. Суғд ҳудудида олиб борилган архео-




1 расм




2 расм




3 расм




4 расм




5 расм




6 расм




7 расм



8 расм



9 расм



10 расм

логик қазишмалар жараёнида очиб ўрганилган турар-жой қолдиқлари деворларини кузатган ҳолда айтишмиз мумкинки, турар-жой деворлари қурилишида бир неча услублардан фойдаланилган. Бундан олдинги ишларимизда мазкур масалага батафсил тўхталиб ўтганимиз боис, фақат бу услубларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр билдирамиз.



11 расм

Тадқиқотларга қараганда ҳар бир қурилиш услубининг ўзига хос вазифаси бўлиши билан биргаликда, келиб чиқиш сабаблари ҳам мавжуд. Жумладан, яхлит пахсадан қурилган деворлар қалин ва мустаҳкам бўлсада, девор қурилиши жуда кўп вақтни талаб этган. Зеро, пахса девор қуришнинг ўзига хос тартиби, қонун-қоидалари мавжуд бўлган, яъни, пахса қаватма-қават қурилиб борилиб, биринчи қават тайёр бўлгач, иккинчи қаватни бошлаш учун пахса яхши қуриши лозим бўлган. Шу боисдан, яхлит пахса, қурувчиларнинг кўп вақтини олган. Бундан ташқари пахса девор, кўпинча етарли миқдорида тупроқ олиш имконияти мавжуд бўлган жойда қурилган.

Иккинчи услуб, пахсани махсус қолиплар ёрдамида тайёрлаш (2 усул). Қолип ёрдамида қуйилган пахса блоклар орасидан шабада бемалол ўтганлиги боис, улар анча тез қуриган. Шу билан бирга, пахса блоклар турли табиий офатларга, ер қимирлашларга ҳам бардошли бўлган. Чунки, табиий офатлар натижасида монолит пахсадан қурилган деворларда катта тирқишлар ҳосил бўлган. Пахса блоклар ҳар бири алоҳида қурилганлиги боис, ёриқлар бутун деворни қамраб олмаган.

Суғд шаҳарларининг муҳим савдо йўлида жойлашганлиги уларни тез гуркираб ривожланишига олиб келган. Натижада, Еттисув, Шарқий Туркистон, кейинчалик ҳатто Силла (Корея)да Хитой давлатлари ҳудудларида суғдийларнинг факториялари ва колониялари пайдо бўлган (Беленицкий и др., 1973. С. 109; Анарбаев, 2012. С. 23-25). VI-VII асрларда Суғд шаҳарларида 2-3 қаватли уйлар турар-жойларнинг асосий қисмини ташкил қилган. Бунда қурувчилар бино деворининг мустаҳкамлигига янада катта эътибор берганлар.

Эндиликда Суғд қурувчилари пахса деворни қуришини тезлаштириш мақсадида яна бир янги усулни яратишган. Бу усул пахса орасига қуруқ хом ғиштларнинг қўйилишидир (3, 4, 5 усуллар). Мазкур усул V-VI асрларнинг инновацион янгилиги эди. Усул пахса қуришини янада тезлаштирганлиги боис, унинг бир қанча усуллари яратилган. Дастлаб пахса орасига бир қатор узлуксиз терилган ғиштлар, кейинчалик шахмат тарзида ва орада масофа ташлаган ҳолда бир қатор узунасига, иккинчи қатор кўндалангига териб чиқилган (4-5 усуллар).

Демак, V-VI асрларда Суғдда турар-жойлар қурилишида қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

1. Монолит пахса деворлар.
2. Пахса блокдан қурилган деворлар.
3. Монолит пахса орасига белбоғ тарзида бир қатор хом ғишт териш.
4. Монолит пахса орасига шахмат тарзида хом ғишт териш усули.
5. Монолит пахса орасига бир текис тарзда лекин ўрталиқда масофа ташлаган ҳолда хом ғишт териш усули (бу усул белбоғли ва шахмат усулларининг қоришмаси десак бўлади).

Бу VII-VIII асрнинг бошларига келиб, Суғд шаҳарлари ўз ривожининг чўққисига чиққан. Бу ривожланиш қурилиш маданиятида ҳам яққол кўринган. Мудофаа

иншоотлари ва монументал бинолар, турар-жойлар қурилишида фойдаланилган усуллар янада мукаммаллашиб борган. Аммо, бу даврда пахса блок ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу сабабли, баъзи деворлар тўлиқ пахса блокдан терилган (1 усул).

Суғд қурувчилари деворни сейсмик ҳаракатларга бардошлигини кучайтиришга бўлган ҳаракатларини тўхтатишмаган. Эндиликда сейсмик ҳаракатлар таъсирини пахса деворнинг юқори қатламларига ўтказмаслик мақсадида пахса қаторлари орасига бир қатор горизонтал тарзда хом ғишт терила бошланган (2 усул).

Бу даврга келиб Суғдда ерларнинг асосий қисми дастлаб йирик мулк эгалари деҳқонлар, сўнгра босқинчи араб зодагонлари қўлига ўтиб кетиши натижасида, хонавайрон бўлган кўплаб майда ер эгалари шаҳарга чиқиб кетишга мажбур бўлишган (Смирнова, 1970). Бундай кишилар илк ўрта асрларда корикор ёки муздаварлар деб аталган шаҳар ёлланма ишчилари сафларини тўлдиришган (Смирнова, 1970. С. 85-90). Натижада, бу даврга келиб ишчи кучининг ортиши эвазига, қурилиш учун керак бўладиган кўп миқдордаги ғишт тайёрлаш имкони кенгаяди. Бундан ташқари, ғишт ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида эндиликда хом ғишт муаммоси ҳал бўлган. Шу сабабли, деворнинг қуйи қисми 1-2 қатор пахса ёки пахса блокдан терилиб, юқори қисми тўлиқ хом ғиштдан, баъзида, девор тўлиқ хом ғиштдан қурила бошланган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, пахса ва пахса блок - Суғд қурилиш маданиятида муҳим ўрин эгаллаганлигини, археологларимиз томонидан олиб борилган қазишмалар тасдиқлайди. Жумладан, В.Л. Воронина, Х.Г. Ахунбабаев, С. Хмельницкий, В.И. Распопова, М.Ҳ. Пардаев каби археологлар пахса ва пахса блокнинг қурилишдаги ўрни ҳақида ўз фикрларини билдиришган. В.Л. Воронинанинг фикрича яхлит пахса олдин тайёрланиб, сўнгра у тезроқ қуриши учун кесиб чиқилган (Воронина, 1953. С. 11). Ушбу хулосага, В.И. Распопова (Распопова, 1990), ва С. Хмельницкий (Хмельницкий, 2000. С. 34-35) каби мутаҳасислар ҳам қўшилганлар. Шунга яқин фикрни М.Ҳ. Пардаев ҳам ўзининг шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконларида олиб борган тадқиқотлари якунида келтириб ўтади. Мутахассис шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконлари қурилиш тартибининг айрим жиҳатларига эътибор қаратиб, шу асосда Уструшона қишлоқ маконлари деворлари қурилишининг бир қанча тартибини кўрсатиб ўтган (Пардаев, 1997. С. 142-143).

Ушбу фикрларга қўшимча қилган ҳолда, қуйидагиларни айтиб ўтмоқчимиз. Мантиқан олганимизда қалинлиги 1 метрга етувчи монолит пахса деворларни кесиш жуда ноқулай. Археологик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, Марказий Осиё турар-жой қурилиш маданиятида пахса блоклардан фойдаланиш бронза давридан бошлаб учрайди[2] (Исаков, 1971. С. 69). Демак, ҳали металлдан ясалган меҳнат қуроллари урф бўлишидан аввал пахса блоклар тайёрлана бошланган. Иккинчидан, махсус қолип (форма) ёрдамида пахса блок тайёрлаш анъанаси Хитойда ҳам учраши ҳақида маълумотлар бор (Васильев, 1976. С. 280). Шань-Инь цивилизацияси[3] даврида пайдо бўлган "Хан ту" усулидаги девор махсус қолипда тайёрланган блоклардан қурилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу усулдан Хитойда ҳам узоқ вақт фойдаланилган. Чунки пахса блоклар қурилиш жараёнини тезлаштириши билан биргаликда, жуда мустаҳкам бўлган. Юқорида келтирилган маълумотларни, олдинги мақолаларимизда келтирган этнографик маълумотлар билан умумлаштирсак пахса блокларни қолип ёрдамида тайёрланганлиги кўпроқ асосли бўлиб чиқади.

VI аср охири - VII-VIII асрларга келиб турар-жой қурилишида Суғднинг барча ҳудудларида пахса қаторлари орасига 1-3 қатор хом ғишт териш, пахса ва хом ғиштни

2. Неолит даврида ҳам ўлчами 20-25х60-70 см бўлган лойдан тайёрланган блоклардан фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар бор (Массон, 1971. С. 15). В.М. Массон уларни "протоғиштлар" деб атайди. Балким, улар пахса блокларнинг ҳам келиб чиқиш асосларидир.

кетма-кет териш анъанавий қурилиш тизимига айланган. Бундай қурилиш маданиятини биз Афросиёб, Панжикент, Пойкенд каби йирик шаҳар марказлардагина эмас, балки деярли барча илк ўрта аср Суғд қурилишларида кўрамиз.

Демак, VII-VIII асрда турар-жой деворлари қурилишида қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

1. Пахса блокдан.
2. Пахса блок ва монолит пахса орасига 1-4 қатор ҳом ғишт териш.
3. Деворнинг қуйи қисми 1-2 қатор пахса ва пахса блокдан юқори қисми хом ғиштдан.
4. Хом ғиштдан.

Бино поллари: Минг йилликлар давомида асосий қурилиш материали хом ғишт бўлиб келган Суғдда, бино хоналарининг полларига алоҳида аҳамият берилган. Зеро, хонанинг иссиқлиги, захдан холи бўлиши айнан уларнинг ишланишига боғлиқ бўлган. Илк ўрта асрларда хона полларини тайёрланишининг бир қанча усуллари бўлган. Агарда жой захликдан йироқ бўлиб, нисбатан қуруқ бўлса, хона поли фақатгина сомонли лой билан бир, ёки бир неча қават қилиб сувалган. Зах нисбатан кучлироқ бўлган ҳудудларда пол устига хом ғишт терилган. Бизнинг фикримизча, бундай турли усулларнинг келиб чиқишини икки хил сабабини кўрсатишимиз мумкин. Биринчидан, бу турар-жой жойлашган ҳудуднинг табиий шароитидан келиб чиққан. Иккинчи сабаби эса ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ. Яъни, хона полларининг тайёрланиши турар-жой хўжайинининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан. Чунки, асосий қурилиш материалларидан бири бўлган хом ғиштнинг нархи барчага ҳам ундан турли мақсадларда фойдаланиш имконини бермаган.

Илк ўрта асрда Суғднинг бир қанча ёдгорликларида пишган ғиштдан ҳам хона полига қоплама сифатида фойдаланилганлиги қайд этилган. Бу усул Афросиёбда 23-қазишманинг учинчи қурилиш даврида кузатилади. Афросиёбда фойдаланилган пишган ғиштларнинг ўлчами 20-22х31-34х3-4 см бўлган. Панжикентда ҳам пишган ғиштлардан фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Хусусан, Панжикентнинг 5-объектини кўрсатишимиз мумкин. Комплекснинг шарқий томонида 3 та хонадан иборат, ўзаро туташган комплекс қайд этилиб ушбу комплекснинг зали тартиб рақами бўйича 13 хона катта зал бўлиб, мудофаа деворига туташган. Бу хонанинг ўзига хос томони шундаки, унинг полларига 34х24х5 см ўлчамдаги пишган ғиштлардан қоплама қилинган (Воронина, 1958. С. 211).

Шунга ўхшаш вазият 3-объектда ҳам қайд этилган. Маълум бўлишича, объектдаги бинонинг 2-чи қаватдаги хоналар поли 40-35-5,5 см ўлчамдаги пиширилган ғишт билан қопланган (Воронина, 1953. С. 115). Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, баъзи бой хонадонларда юқори қават поли пиширилган ғиштдан қилинган. Амалдорлар квартали деб баҳо берилган 6-объектда ҳам пол устига пиширилган ғишт қопланганлиги қайд этилган. Бунда 18х15х3-5 см ўлчамдаги пиширилган ғиштлардан фойдаланилган (Ставиский, 1953. С. 133).

Демак, илк ўрта асрларда Суғд турар жойларининг поллари қуйидаги тартибда қурилганлиги аниқланган:

1. Нам тупроқни зичлаб, устини суваш орқали тайёрланган усул (5 расм).
2. Зичланган тупроқли пол устига хом ғишт териб чиқиш усули (6 расм).
3. Пишиқ ғиштдан қоплама қилиш усули (7 расм).

Турар жой хоналарининг интерьерига кирувчи яна бир таркибий қисм бу супадир. Илк ўрта асрда супалар ҳам бир неча усулда қурилган. Жумладан, четлари хом ғиштдан

3. Шань-Инь цивилизацияси-Хитойда бронза даврида (2 минг йиллик ўрталари) гуллаб-яшнаган цивилизация.

терилиб, ичи тупроқ, майда шағал билан тўлдирилган. Бундай тарзда тайёрланган супалар Суғднинг барча ҳудудлари учун хос. Лекин, Панжикентда пишган ғишт териб ишланган супа ҳам қайд этилган. Ушбу супа ҳам 5-объект залида очилган. Залдаги супалар икки қаватли бўлиб, устки қисми ва ёнлари пиширилган ғиштлар билан қопланган (Воронина, 1958. С. 211). Бундай супа сифатли бўлиб, оддий супаларга қараганда четлари тезда емирилиб кетмаслиги билан ажралиб турган.

Тадқиқотларга қараганда турар-жой супалари тайёрланиши ҳам бир неча усулда олиб борилган:

1. Супа четлари ва баъзан усти хом ғиштдан терилиб ичига тупроқ, майда шағал тўлдириш (8 расм).
2. Супа тўлиқ хом ғиштлардан терилган (9 расм).
3. Супа пахсадан қилинган (10 расм).
4. Супа юзасини пиширилган ғиштлар билан қопланганли (11 расм).

Хулоса, қилиб айтадиган бўлсак, илк ўрт асрда Суғдда турар-жой қурилишининг ўзига хос анъаналари шаклланган. Бу анъаналар бино учун жой танланишидан бошлаб устки қисми ёпилгунча бўлган жараённи қамраб олади. Юқорида кўрганимиздек, бу жараёнда қурилишнинг ҳар бир элементи ривожланиб, мукаммаллашиб борган. Шунингдек, янги инновацион ихтиролар ҳам яратилган. Илк ўрта аср Суғд турар-жой қурилишидаги инновацион ихтиролар бинонинг табиий офатларга чидамлилигини ошириш, қурилишга кетадиган вақтни тежаган ҳолда сифатли, ихчам ва муҳташам бино яратишга қаратилган.

Шу асосда Суғд турар жойлари қурилиш материалларининг илк ўрта асрлар даврида қуйидагича ривожланган кўрамиз:

Ушбу жадвалларда кўриниб турибдики, илк ўрта асрларда Суғд қурилиш материаллари ривожланишнинг ўзига хос жараёнларини босиб ўтган. Чунки турар-жой сифатини ошириб, унинг мустаҳкам ва муҳташам бўлишида, қулай ва ихчам қурилиш материалларини танлашнинг ўрни катта бўлган. Бу борада илк ўрта аср қурувчилари катта тажрибага орттиришган. Улар олдинги давр қурувчиларидан фарқли равишда

Турар-жой деворлари

Даврий ривожланиши	Қурилиш материали	
	Анъанавий	Инновацион янгилиги
V-VI асрлар	Монолит пахса деворлар, хом ғишт деворлар, кам миқдорда пахса блокли деворлар	Қурама усуллар
VI аср охири - VII аср	Пахса блок, антисейсмик усул, қурама усуллар	Антисейсмик усул
VII аср охири - VIII аср боши	Хом ғиштли деворлар, пахса блок, қурама усул, кам миқдорда баъзан пишиқ ғиштли деворлар	Хом ғиштдан фундамент-лар, кам миқдорда пишиқ ғиштдан фойдаланиш

Хона поллари:

Даврий ривожланиши	Қурилиш материали	
	Анъанавий	Инновацион янгилиги
V-VI асрлар	Хона ичи тупроғи зичланиб усти сувоқ қилинган	
VI аср охири-VII аср бошлари	Хона полларига хом ғишт терилиб устки қисми сувалган,	
VII-VIII асрлар	Юқоридаги усуллар давом этган	Пишиқ ғиштдан қоплама қилиш

Турар-жой супалари:

Даврий ривожланиши	Қурилиш материали	
	Анъанавий	Инновацион янгилиги
V-VI асрлар	Пахса супалар, четлари хом ғиштдан қилинган суфалар	
VI аср охири - VII аср	Юқоридаги усуллар анъанавий давом этган	
VII аср охири-VIII асрлар	Юқоридаги усуллар анъанавий давом этган	Супа четларига пишиқ ғиштдан қоплама қилинган

қурама усулдан (хом ғишт ва пахсадан биргаликда фойдаланиш) кўпроқ фойдаланишган. Шунингдек, илк ўрта аср Суғд қурувчилари антисейсмик шароитни ҳисобга олиб пахсадан кўра, пахса блокни устун қўйишган. Тадқиқотимиз давомида илк ўрта аср қурилишида шундай муҳим ўринга эга бўлган пахса блоклар асослари бронза даврига бориб тақалиши ва улар махсус қолиплар ёрдамида қуйилганлиги ҳақиқатга яқинлигини айтмоқчимиз.

Шунингдек, турар-жойлар қурилиши, уларнинг мустаҳкамлиги, хилма-хиллиги ва ички интерери биринчидан ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бўлса: иккинчидан бино қурилган жой ва унинг экологик ҳолати билан ҳам боғлиқ бўлган. Шу асосда, Суғд турар жой қурилиши илк ўрта асрларда ўзининг ривожланиш йўлига эга бўлган. Бунда маҳаллий анъаналар билан бирга янги инновацион янгиликлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Натижада, суғдийлар мустаҳкам ва шинам турар-жойлар қурибгина қолмай, балки уларда инсон яшаши учун қулай шароит ярата олган, яъни, қиш ойларида бинонинг хоналари иссиқликни сақлай олган бўлса, ёз ойларида салқин шароитни ярата олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Анарбаев А.А. Самаркандский Согд и Фергана на Великом шелковом пути // Another Silk Road. Korea Silk Road Project. Geong Gi. P/21-29.

Ахунбабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. Самарканд, 1999.

Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.

Васильев Л.С. Проблемы генезиса Китайской цивилизации. М., 1976.

Воронина В.Л. Древняя строительная техника Средней Азии // Архитектурное наследство. М., 1953. №3.

Воронина В.Л. Архитектурные памятники древнего Пянджикента // МИА. Т.2. 1953. №37.

Воронина В.Л. Архитектура древнего Пенджикента: (Итоги работ 1952—1953 гг.) // МИА. 1958. №66.

Исаков А.И. Саразм. (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанского долины (раскопки 1977-1983 гг.)). Душанбе, 1991.

Распопова В.И. Жилище Пенджикента. Л., 1990.

Садиев М. Археологические наблюдения на территории строительства здания Музея истории основания Самарканда // Афрасиаб. Вып. 2. Ташкент, 1973.

Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М., 1970.

Ставиский Б.Я. Раскопки квартала жилищ знати в юго-восточной части Пенджикентского городища (объект 5) в 1951-1959 гг. // МИА. М.-Л., 1964. №124.

Хмельницкий С.Г. Архитектура Средней Азии // Между кушанами и арабами. Рига-Берлин, 2000.

Шишкин В.Л. Варахша. М., 1963.

Якубов Ю. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда. (К проблеме становления феодализма). Душанбе, 1988.

УДК: 902.6. (575)

ҚЎШРАБОДДА АНИҚЛАНГАН XIV-XV АСРГА ОИД МЕЬМОРИЙ ОБИДА ИЗЛАРИ

© 2014. М. Саидов, У. Ортиқов, М. Ирзаева

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти
Самарқанд Давлат университети қошидаги 2 сон академик лицейи
САмарқанд шаҳар 8 сон ўрта таьлим мактаби

Калит сўзлар: Пишиқ ғишт, ўтхона, пештоқ, хумдон, мақбара, даҳма, тиюл.

В данной статье описываются археологические находки, найденные в селе Шовва, где были найдены обломки глазурованных кирпичей и топочная камера кирпичеобжигательной печи. Анализ археологических и письменных данных дает возможность предполагать, что здесь был сооружен неизвестный нам мавзолей темуридской эпохи.

SCENTS OF THE ARCHITECTURAL CONSTRUCTION 14-15 th CENTURIES KUSHRABAT
M. Saidov
This article reflects the archaeological finds in the village of Shovva, where were detected the fragments of glazed bricks and furnace chamber of brick kilns. Analysis of the archaeological and written sources allows to presupposes, that here was built the nameless mausoleum of the Timurid epoch.

Археологик ёдгорликлар ҳар бир халқнинг тарихи, қадриятлари, маданияти ва маьнавияти тимсоли сифатида намоён бўлиб, унинг қисман ёки тўлиқ бузилиши тарихнинг қайсидир қисмини бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Афсуски, турли асрларда ўтказилган қурилиш ишлари, содир бўлган демографик жараёнлар, қўриқ ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик майдонларини кенгайиши юртимизда кўплаб ёдгорликларни вайрон бўлишига ёки жиддий шикастланишига олиб келган. Фақатгина тасодифий ҳолларда аниқланган археологик топилмалар ушбу ёдгорликларни ўрнини аниқлашга ва уларни илмий ўрганишга замин яратган. Худди шундай ёдгорликлардан бири Қўшрабод туманининг (Самарқанд вилояти) шимолий шарқий қисмида, Шовва-Пангат йўлининг 4-километрида, Пангатсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб (координаталари—42Т Шарқ 288500; Шимол 4468008), баҳорги шудгор вақтида бу ерда сирланган ва сирланмаган пишиқ ғишт бўлаклари, араб ёзувлари ҳамда ўйма нақшлар битилган сопол плиткалар қолдиқлари қайд этилган. Сирланган ғишт бўлаклари, плиткалар тарқалган ҳудуд дастлаб СамДУ магистранти М. Ирзаева томонидан аниқланиб, кейинчалик бу ерда ЎзР ФА Археология институти илмий ходимлари томонидан қазишма ишлари олиб борилди.

Археологик топилмалар аниқланган ҳудуд сарқадлари 100х65 м ўлчамда бўлиб, ғарбдан шарқ томонга 20‑30 даража нишаблик ҳолатида жойлшган. Бу ҳудуднинг устки қисми маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб текисланиб, деҳқончилик қилинган. Айни вақтда 2014-йилнинг бошида майдоннинг ўрта қисми 40‑50 см чуқурликда булдозер билан сурилган.

Майдон юзасида сочилиб ётган сирланган ва сирланмаган ғиштлар, сопол плиткаларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг даврий санасини аниқлаш мақсадида

икки жойда қазишма ишлари олиб борилди.

Биринчи қазишма 4х5 м ўлчамда бўлиб, майдоннинг шарқий қисмида жойлашган. Қазишма жараёнида бу ерда ғишт пиширишга мўлжалланган хумдоннинг ўтхонаси аниқланди. Ўтхона ер сатҳидан 20 см пастда жойлашиб, ўлчами 3,65х2,65 м, чуқурлиги 1,10 м ни ташкил этади (1-расм). Ўтхона ерга тўртбурчак шаклда чуқур кавлаб ҳосил қилинган бўлиб, ёнларига махсус ишлов берилган. Хусусан, ўтхонанинг шарқий ва ғарбий томонлари 4‑5 қайта сомонли лой билан сувалган, доимий олов таьсирида улар қаттиқлашиб, тўқ кулранг тусга кирган (2-расм). Шимолий ва жанубий деворлар эса 12‑13 қатор 24‑27х6‑7х4 см ўлчамдаги тўқ кулранг, оловга чидамли ғиштлар билан қопланиб, уларнинг юзаси ҳам бир неча қатлам сомонли лой билан сувоқ қилинган (2-расм). Деворларнинг орқа томонидаги қатлам 10‑13 см қалинликда доимий олов таьсирида қизғиш‑жигарранг тусга кирган.

Ўтхона поли ҳам сомонли лой билан сувалган, бир неча бор қилинган сувоқ натижасида қалинлиги 8‑10 см.га етган. Полнинг марказий қисми яхши сақланмаган, юзаси эса олов таьсирида кучли даражада куйган бўлсада, унинг устида кул, олов қолдиқлари кам миқдорда қайд этилди. Полнинг устки қисмида 5‑6 см қалинликдаги оқова қатлам мавжуд, унинг устидан қарийб 1 м қалинликдаги қизғиш тупроқ аралаш пишиқ ғишт бўлаклари қайд этилди. Айрим бутун сақланган пишиқ ғишт ўлчамлари 24‑24,5‑25х24‑24,5‑25х4,5‑5 см.ни ташкил этади. Хумдон ўтхонасидан эса кам миқдорда сирланган ғишт парчалари топилди.


Ўтхонанинг шимолий ва жанубий деворлари устида 18-20х24‑26х18 см ўлчамдаги иссиқлик чиқиши учун мўлжаланган туйнуклар жойлашган бўлиб, уларнинг айримларини ичида катта тош бўлаклари қайд этилди.

Иккинчи қазишма биринчи қазишмадан 30 м ғарб томонда, 2х6 м ҳажмдаги майдончада ўтқазилди. Қазишма шарқ‑ғарб йўналишида, 1,40 см чуқурликга қадар, материкгача олиб борилди. Иш жараёнида ер сатҳидан 40‑50 см пастда, текисланган юза устида ёнбош ҳолатда терилган пишиқ ғиштларнинг (24,5х24,5х4,5 см) қолдиқлари аниқланди (3-расм). Шу билан бирга ушбу сатҳ юзасида сирланган ғишт парчалари, ўйма нақш ва араб ёзувлари битилган сопол плиткалар қолдиқлари ҳам қайд этилди (4-расм).


Ҳар иккала қазишмада даврий санага аниқлик киритувчи сопол буюмлар топилмаган бўлсада, аниқланган пишиқ ғиштлар, сирланган ғишт ва терракоталар ҳамда ўтхона қолдиқларини қиёсий таҳлили уларни XIV аср охири—XV аср, яьни, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврига оид эканлигини кўрсатди.

Қазишма ишлари жараёнида аниқланган пишиқ ғиштлар ўлчами тимурийлар даврига оид кўплаб архитектура ёдгорликларида, жумладан, Шоҳи Зинда мажмуаси (Немцева, Шваб, 1979), Шаҳрисабз (Усманова и др., 1991. С. 33-46) туманида аниқланган даҳмаларда ҳам қайд этилган. Аниқланган пишиқ ғишт пиширишга мўлжалланган хумдон ҳам ўз тузилишига кўра, 1971 йилда Афросиёбнинг жанубий-шарқий қисмида, ҳозирги Тошкент кўчасининг ёнида аниқланган ғишт пиширишга мўлжалланган хумдонга анча яқин (5-расм) (Шарахимов, 1974. С. 84‑89). Фақатгина Афросиёб яқинида аниқланган хумдон ўлчами жиҳатдан каттароқ бўлиб (7х5,3 м), унинг пишириш камераси ҳам қисман сақланган. Ушбу хумдон муаллиф томонидан XIV‑XV асрлар билан даврланган.

Қазишмалар жараёнида аниқланган сирланган ғиштлар ва ўйма нақш туширилган терракоталарда ишлатилган ранглар асосан оқ, ҳаворанг, тўқ кўк, жигарранг ва бинафша рангларда бўлиб, улар ислимий, геометрик, китоба услубларида берилган. Бундай ранг ва безакларни Шоҳи Зинда мажмуасига



1 расм



2 расм. 1 - чим қатлам, 2 ‑ куйган тупроқ ва пишиқ ғишт бўлаклари аралаш қатлам, 3 ‑ кулранг тупроқ ва пишиқ ғишт бўлаклари аралаш қатлам, 4 ‑ оқова қатлам, 5 ‑ пишиқ ғишт, 6 ‑ куйган қатлам, 7 ‑ пол, 8 ‑ девор, 9 ‑ материк




3-расм

кирувчи Хожа Аҳмад ва Қутлуқ оғо мақбараларида кўриш мумкин (Немцева, Шваб, 1979. С. 89‑125, 147‑162; Рempель, 1961. С. 269‑271). Иккинчи қазишмада аниқланган ўйма араб ёзуви туширилган терракота қолдиғи умумий кўк фонда оқ ранг билан безалган бўлиб, бундай услуб тадқиқотчилар томонидан XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб қўлланилганлиги қайд этилган (Нильсен, Манакова, 1974. С. 21).

Маьлумки, Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда марказлашган давлатга асос солингач, мамлакат бўйлаб кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилади. Жумладан, тарихчи Муиниддин Натанзийнинг ёзишича “Амир соҳибқирон ғурбат ва маҳрумлик йилларида Оллоҳ таоло олдида қандай аҳду паймон қилган бўлса, айни ушбу тариқ ва қоидалар асосида иш кўрди. Аввало барча йўлларда ёмлар барпо этишни буюрди ва халқ ўтиб кечадиган жойлардаги харобаларни тузатиб обод қилдирди. Олий работлар ва ҳонақолар қурдириб фақиру мискинлар учун хайрия тарзда уларнинг эшикларини очиб қўйди” (Муиниддин Натанзий, 2011. 111 б.). Дарҳақиқат Амир Темур ва унинг кейинги ворислари даврида салтанатда жуда кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилади. Сарой, мадраса, масжидлар, мақбаралар, хонақолар, даҳма ва ҳоказолар, нафақат, йирик шаҳар ва қишлоқларда балки узоқ чекка ҳудудларда ҳам бунёд этилади. Ободонлаштириш ишлари, нафақат, олий ҳукмдор, балки маҳаллий ҳокимлар, ер мулк эгалари томонидан ҳам амалга оширилади. Жумладан, улар томонидан чекка ҳудудларда мақбаралар, даҳмалар қурилиб, уларнинг қолдиқлари археологик тадқиқотлар давомида аниқланган (Гулямов, Ахраров, 1969. С. 26-30; Усманова, 1987). Аммо кейинги даврлардаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар темурийлар даврида бунёд этилган кўплаб иншоотларни ўз ҳолига ташлаб қўйилишига, бу эса уларни аста секин бузилиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолат, айниқса якка тартибда



4 расм



5-расм (Шораҳимов Ш. бўйича. 1974)

қурилган даҳма, мақбараларда кўпроқ кузатилади. Шу жиҳатдан, Шоввадан аниқланган топилмалар ҳам мана шундай даҳма ёки мақбарага тегишли бўлган бўлиши мумкин. Бу борада қўйидаги асосларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, даҳма ва мақбаралар одатда юқори мартабали шахсларга атаб бунёд этилиб, улар одатда бир ёки икки ярусли бўлган. Пишиқ ғиштдан бунёд этилган мақбаралар сирланган сопол кошинлар, майолика, мозаикалар билан безатилган. Худди шундай сирланган ғиштлар ва ўймакор нақшлар билан безатилган терракоталар Шоввадан ҳам топилган бўлиб, юқорида қайд қилинганидек, улар услуб жиҳатдан Шоҳи Зинда, Жаҳонгир Мирзо мақбаралари мажмуаси, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши туманларида аниқланган даҳмаларда қайд этилган.

Иккинчидан, биринчи қазишмада аниқланган ғишт пиширишга мўлжалланган хумдон қолдиқлари ҳам бевосита мақбара қуриш учун бунёд этилган. Зеро, тадқиқотларнинг кўрсатишича, одатда бундай хумдонлар вақтни ва иш кучини тежаш учун бевосита қурилиш объекти ёнида бунёд этилган. Худди шундай ҳолатни 1959 йилда Я.Ғ. Ғуломов ва И. Аҳроровлар томонидан ўрганилган темурийлар даврига оид мақбарада ҳам кузатишимз мумкин. Хусусан, фақат остки қисми сақланган икки ярусли мақбара 1419 йилда вафот этган Амир Муҳаммад ибн Амир Айюкга тегишли бўлиб, тадқиқотчилар уни шу атрофдаги мулклар эгаси бўлган бўлса керак, деган фикрни билдиришади (Гулямов, Ахраров, 1969. С. 28-29). Мақбарадан шарқ томонда 200 м узоқликда ғишт пиширишга мўлжалланган хумдон аниқланади. Шуниндек, Қозоғистон Республикаси Қизил Ўрда вилояти, Борса келмас қўриқхонаси ҳудудида аниқланган, пештоқлари сирланган кошинлар билан безатилган темурийлар даврига оид мақбарадан унча узоқ бўлмаган жойда ҳам ғишт пиширишхумдони аниқланган (Смагулов, 2001. С. 75).

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, Шовва қишлоғи жанубида XIV аср охири - XV аср бошларида шу атрофдаги ер мулк, суюрғол эгаси ёки ҳокимга тегишли бўлган мақбара бунёд этилган. Аммо кейинги сулолалар, яъни, шайбонийлар, аштархонийлар даврида мақбара қаровсиз қолганлиги учун вайронага айланган. Кейинчалик, ерларни ўзлаштирилиш, демографик ўсиш мақбара натижасида тўлиқ бузилиб кетган.

Афсуски, ушбу мақбара билан боғлиқ маълумотлар ёзма манбаларда қайд этилмаган. Ушбу ҳудудда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилса Қўшработ туманида ҳам темурийлар даври маданиятига оидда янги маълумотларни қўлга киритиш имконияти туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Гулямов Я.Г., Ахраров И. Раскопки мавзолея в Яккабаге // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1969.

Муиниддин Натазий. Мунтахиб ут таворихи Муиний. Тошкент, 2011.

Немцева Н.Б., Шваб Ю.З. Шахи Зинда. Ташкент, 1979.

Нильсен В.А., Манакова В.Н. Архитектурный декор памятников Узбекистана. Ташкент, 1974.

Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. Ташкент, 1961.

Смагулов Е.А. Находка и исследования мазара на дне Аральского моря // Отечественная история. №4. Алматы, 2001.

Усманова З.И. Раскопки мавзолея в Кашкадрьинской области. Археологические открытия 1985 года. М., 1987.

Усманова З.И. и др. Отчет о полевых работах кафедры археологии Средней Азии в 1990 году. Самарканд, 1991. Архив института археологии АН РУз. Ф. 3, О.1, Д. 82.

Шарахимов Ш. Кирпичеобжитательная печь средневекового Самарканда // Сб. Афрасиаб. Вып. 3. Ташкент, 1974.

УДК: 902.6 (575.141)

О МАЗАРЕ ПОТОМКОВ ХАМУША

© 2014. М.Ж. Бузруков

Самаркандский государственный университет

Ключевые слова: археологический памятник, поливная керамика, фрагменты кувшина, Низам ад-дин Хамуш, мазар, вакуфный документ, ханака, худжра, мечеть, Талляк, Шавдар, Мир Хамуш, Лангар, шаджара (родословная), надгробный камень, эпитафия.

Мақола Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Таллак-ота» зиёратгоҳига бағишланган. Муаллиф «Оғзаки тарих» («Oral history») методи асосида тўплаган маълумотларини бирламчи манбалар билан солиштириб, зиёратгоҳ тарихини ёритишга ҳаракат қилган. Унда Таллак-ота қишлоғи қабристонидаги Низомиддин Хомуш авлодларига тегишли қабртошлар, вақф ҳужжати, Мир Хомуш шажараси илк бор манба сифатида илмий муомалага киритилмоқда. Айрим олимлар бир шахс деб ҳисобловчи Мир Хомуш ва Низомиддин Хомушни турли даврда яшаган бошқа-бошқа шахс эканлиги кўрсатиб берилган.

ABOUT THE MAZAR OF DESCENDANTS OF KHAMUSH

M.J. Buzrukov

The article is devoted to mazar «Tallyak-ata», which is located in Taylak district of Samarkand region. The author to compiled informations about the shrine with a method of «Oral history». This information compared with sourse materials (vaqf and epitaph of descendants of Nizam ad-Din Khamush, pedigree (shajara) of Mir Khamush and manuscripts). He comes to conclusion that Nizam ad-Din Khamush and Mir Khamush lived at various historical epoches. They were not one person, as consider some scholars.

Почти во всех селениях Средней Азии имеются святыни – мазары и места поклонения, почитаемые народом. В последнее время вырос интерес к исследованию издавна фиксируемых и изучаемых среднеазиатских мазаров. Но до сих пор встречаются святыни, которые еще не были объектами изучения. Одна из них ныне находится в селении Талляк-ата Тайлякского района Самаркандской области. Хотя этот мазар популярен среди населения как святыня, он зарегистрирован как археологический памятник IX-XI веков.

